


496

Guliston

2013/3



313
№ 2

Solla jabno



Bugun sening bayraming

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Ислом Каримов

Фалончи фарзандли бўлибди! Бу хабарнинг ўзиёқ киши кўнглини ҳаяжонга тўлдириб, қувончу шодликлар оғушига чирмайди. Она илк бор жигарбандини бағрига оларкан, кўзларига севинч ёшлари иниб, бутун вужудини такрорланмас ҳислар чулғайди. Унинг ёқимли ифориға тўймай, жажжи қўлчалари, майин юз-кўзлари, мурғак жуссасини энтиқиб суюб эркалайди. Фарзандиға боқиб, унинг порлоқ келажағи ҳақида эзгу орзу-ниятлар ила ҳаёлға чўмади. Она учун бу энг бахтли, энг ширин, энг гўзал саодатдир.

Болаликдағи беғубор, дунёни гўзал ва завқли англоғчи лаҳзаларни ҳар биримиз орзиқиш билан соғинамиз. Орзу-ҳаваслар канотида, дарду аламлардан йироқ кезларимиз кўнглимизға илик хотираларни узатиб туради. Ва умрнинг болалик аталмиш палласиға жамики шодликларни ҳада этмоқ кераклигини тушунамиз. Юрак-юрагимиздан бахтли болалигимизни кўмсаймиз, масрур дамларимиз кўз олдимиздан бир-бир ўта бошлайди.

Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, ўзининг давомчилари, бугуни ва эртаси тўғрисида қайғурмаса. Ҳар йили республикамиз миқёсида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрам сифатида кенг нишонланади. Аслини олганда, ўзбек халқиға бундай алоҳида сананинғ белгиланиши шарт эмас. Унинг ҳар куни, ҳар они фарзанд ташвишию шодлиғи билан ўтади. Давлатимиз истиклол йилларида инсон ҳуқуқлари, хусусан, бола ҳуқуқлариға оид кўплаб халқаро битимларни имзолади. Жумладан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция”, “Болаларни омон асраш, ҳимоя қилиш ва камол топтиришни таъминлаш тўғрисида”ги Умумжаҳон декларацияси, “Болаларни бошқа мамлакатға ўғирлаётганинғ фуқаролик жиҳатлари тўғрисида”ги Гаага конвенциясининг ратификация қилингани юртимизда болалар манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасиға кўтарилганинғ ёркин далилидир.

Дунёда шундай жойлар ҳам борки, болаларда ўқиб-ўрганишға иштиёқ бор, бироқ катта маблағлар эвазига ўқитиладиган мактабларға бориб ўқиш учун имкон йўқ. Шукрки, бизда ўн бир йиллик бепул таълим мажбурий тарзда белгилаб қўйилган. Болаларнинг ўқиб, билим олиши, спорт, санъат ва фан тўғараклариға қатнаши учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Бугун чекка кишлоқлардан ҳам спортчи болалар халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб бўлиб қайтаётгани, жаҳоннинг улкан сахнасида ўзбек болақайининг катта ашуласи, ариялари давомли қарсақлар билан қарши олингани, митти жуссаси билан улкан танловларда ғолиб бўлаётгани айни ҳақиқат.

Юртимизда болаларға, ёшларға бўлган эътибор, уларнинг ўқиб изланишлари, касб-хунар ўрганишлари учун яратилган шарт-шароитлар келажак авлоднинг ҳар томонлама баркамол, етук, теран ақл эгалари бўлиб етишишиға замин яратади.

Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиғи болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, мустақиллигимиз ва тинчлигимизға раҳна солувчи ҳаракатларға қарши тарғибот-ташвиқот ишларини йил бўйи манзилли ташкил этишда ҳамда миллий кадрият ва урф-одатларни ёш авлод онгига сингдиришда муҳим омил бўлмоқда.

Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли тўғараклар ташкил этиш, қизиқишлари бўйича тўғри йўналтириш, спортға жалб қилиш каби масалаларға ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фарзандларимизнинг одоб-ахлоқли, касб-хунарли, мулоҳазали, умуман, жамиятда намунали инсон бўлиши учун биз – катталар уларни доимо назоратимизға олиб, тарбиясини, билим савиясини мукамал қилиб шакллантиришимиз зарур. Буюк аллома Абу Наср Форобий одоб-ахлоқ, чиройли тарбия, зарур касб-хунар ҳақида шундай дейди: “Ҳар бир киши зарур касб-хунарни мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва чиройли хулқ-одоб, фазилатларға эға бўлмоғи керак”.

Болам, бугун сенинғ байраминг. Дунё халқлари сенинғ ҳуқуқларинг, эркинғ учун бугунни байрам қилади. Шундай, сенинғ эркинғ, ҳуқуқинг ҳамма жойда, ҳар қачон муҳим. Сени нафақат келажагимиз бунёдкори сифатида, балки ҳимоя қилиниши шарт бўлган хилқат сифатида ҳам эъозлаймиз. Ахир яшашдан мақсадимиз ҳам, ҳаётимизнинг мазмуни ҳам ўзингсан. Ҳамма ғам-ташвишларимиз сенинғ бир кулгинг билан унут бўлади. Шу сабаб сенинғ истикболингға шошиламиз, шу сабаб сени зумда соғинамиз.

Сенинғ байраминг ўз байрамимиз. Сенға қўшилиб, бугунни биз катталар ҳам байрам қиламиз. Бу байрам сенинғ мурғак шуурингға узок сақланади. Аслида, барча ташвишлардан ортиб, сенинғ ҳар бир кунингни, ҳар дақиқангни байрамға айлантириш лозимдир. Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетган болалигимизни сенда кўриб, қувончли кунларинг узок бўлишини истаймиз. Сенинғ кўзларингға бизнинг болалигимиз бор. Сенинғ кулгиларингға бизнинг бахтимиз мужассам.

Болажон, сен умримнинг кўрки, мазмунисан. Бу дунёға боғлаб турган овунчим, эртанги кунимдан умидимсан. Сен йиғласанг, қалбим оғрийди. Сен қувонсанг, дунём ёришиб кетади. Ширин кулгуларинг пойиға жонимни тўшай, болам!

Дилфуза КЕНЖАЕВА

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Tahririyat:

Bosh muharrir

vazifasini bajaruvchi:

Jalolbek YO'LDOSHBEKOV

Bosh muharrir o'rinbosari:

Manzura SHAMS

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Azamat FAYZULLAYEV

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Dilfuza KENJAYEVA

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi

Fotih JALOLOV

O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirining birinchi o'rinbosari

Mahmud ISMOILOV

O'zbek milliy akademik drama teatri direktori

Suvon Najbiddinov

"Matbuot tarqatuvchi"
AK Bosh direktori

Abduvahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

Murod RAJABOV

Muqimiy nomidagi O'zbek Davlat musiqiy teatri direktori

Baxtiyor Sayfullayev

O'zbekiston Davlat san'at va madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori, professor

Azamat HAYDAROV

"O'zbeknavo" estrada birlashmasi
Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@mail.ru

Ushbu sonda:

Javlon SULAYMONOV

*Bir siqim tuproqdan yaralgan
alam*

Qo'chqor XONAZAROV

Til bilmoq – davr talabi

Ikrom OTAMUROD

*Kanglumga birdayin
haq qurbi ingan*

Anvar SUYUNOV

Erta ketgan bolalik

Asror SAMAD

Tusmol bilan yashash fojiasi

Baxtiyor HAYDAROV

Yomonliklar onasi

Komil JONTOYEV

Ziyo maskani

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008- yilda ro'yxatga olingan.

Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.

Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.

"Guliston" jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.

Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x84^{1/8}. Buyurtma №80. Adadi: 2257 nusxa. Hajmi 6 b.t.

Bosmaxonaga 12.06.2013- yilda topshirildi. Bosishga 12.06.2013- yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.

Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8-uy.

Meros mas'uliyati

(Nomoddiy madaniy merosni hujjatlashtirishda xalqaro yordam)



Халқаро миқёсда номоддий маданий мерос ва унинг муҳофазаси масалалари ЮНЕСКОнинг 1989 йилдаги “Анъанавий маданият ва фольклорни муҳофаза қилиш” бўйича тавсияларидан бошланган эди. 1994 йилдан миллий тизимлар (давлатлар) томонидан номоддий маданий меросни ўзида сақловчи ва бошқаларга етказувчилар расман тан олиншини таъминлаш ушбу мероснинг келгуси авлодга етказилишига кўмаклашиш мақсадида “Инсониятнинг ўлмас (тирик) дурдоналари” дастури ишлаб чиқилди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида экспертлар хулосаси асосида мавжуд номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича кескин, қатъий чоралар кўриш лозимлиги аниқланди ва ушбу йўналишдаги ишлар янада жадаллаштирилди. Бунинг натижасида, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2001 йилда бўлиб ўтган 31-сессиясида янги халқаро норматив механизм вазифасини ўтовчи Конвенция яратиш режалаштирилди. Шу тарика ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2003 йил 17 октябрдаги 32-сессиясида “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” конвенцияси қабул қилинди. 2005 йил 20 октябрда эса “Маданий ифода шакллариининг турфа хиллигини муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш” тўғрисида Конвенция қабул қилиниши “номоддий маданий мерос” иборасининг тўлақонли истъомлга кириб келиш жараёнини якунлади.

1997-98 йилларда ЮНЕСКО томонидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналарини эълон қилиш” дастури ҳам маъқулланди. Ушбу рўйхатга Ўзбекистондан биринчилар қаторида

2001 йилда “Бойсун маданий муҳити” ва 2003 йилда “Шашмаком” киритилган.

Ўзбекистон 2007 йилда “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” Конвенциясини ратификация қилиб, 2008 йилда ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатига айланди. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро конвенция қабул қилиниши муносабати билан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари рўйхати”га киритилган номоддий маданий мерос объектларининг барчаси янги – “Номоддий маданий мероснинг Репрезентатив рўйхати”га ўтказилди. Ана шу рўйхатга 2009 йилда Ўзбекистондан тавсия этилган “Катта ашула” номзоди ва олтига қўшни давлат бирга тавсия этган “Наврўз” байрами номзодлари ҳам киритилди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда Репрезентатив рўйхатда Ўзбекистон билан боғлиқ 4 та номоддий маданий мерос бўлиб, бундай кўрсаткич собиқ иттифок ҳудудидаги бирорта ҳам давлатда кузатилмайди.

Ўзбек санъати ва халқ ижодиёти дурдоналарини асраш, ёшлар онгу шуурига сингдириш мақсадида қатор давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, илмий тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида турли лойиҳалар, тадбирлар, илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофоза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурий тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт



Maydon tomoshalari san'ati

ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида Номоддий маданий меросни хужжатлаштириш бўлими ташкил этилди. Марказга давлат ва нодавлат ташкилотларининг номоддий маданий мерос масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи муассаса макоми берилди. Номоддий маданий мерос йўналишидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва хужжатлаштириш механизми яратилди.

Номоддий маданий меросни хужжатлаштириш ишларини ташкил этиш, бу соҳада амалга ошириладиган чора-тадбирлар борасидаги ахборотлар алмашинувини ташкил этиш ишларида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси яқиндан ёрдам бериб келаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги номоддий маданий мероснинг 4 та алоҳида рўйхати ташкил этилган:

1. Зудлик билан муҳофаза остига олиниши лозим бўлган номоддий маданий мерос объектларининг рўйхати;
2. Жаҳон номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига киритиш учун тавсия этиладиган номзодлар рўйхати;
3. Номоддий маданий мероснинг миллий рўйхати;
4. Номоддий маданий мероснинг маҳаллий рўйхатлари.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, халқ ижоди шу халқ дониши, санъати маҳсули. Ёш авлодни юксак маънавиятли, баркамол инсон қилиб тарбиялашда, миллий кадриятларимизга бўлган эътиқодини шакллантиришда номоддий маданий меросимизнинг ўрни бекиёс. Ҳаёт моҳиятини ўзида мужассам этган бу мерос ўз Ватани, оиласини муқаддас деб билган ҳар бир юртошимиз қалбига жо бўлиб, кўнгил гавҳарига айланган.

Гулуро АБДУЛЛАЕВА

Ўзбекистон халқининг бой маданий ҳамда маънавий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган, бадий жиҳатдан юксак маънавий, илмий-оммабоп ва маданий-маърифий дастурларни яратиш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-қарори билан тасдиқланган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури”нинг 41-банди ижросини таъминлаш, шунингдек, халқимизнинг санъати ва қадимий миллий ўйинларини тиклаш, ёшларнинг номоддий маданий мерос дурдоналаримизга бўлган кизиқишларини кучайтириш, ушбу мерос орқали ўзлгимизни англаш, янги жамоаларни ҳамда ёш иқтидорли ижрочиларни кашф этиш ва улар ижодини кенг тарғиб қилиш мақсадида

QO'RG'ON

Bek o'g'ilni ota o'stirar

Ўзбек халқи ўз урф-одатлари, кадриятлари ва инсоний фазилятлари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Ўзбекларда авлодлар орасида ҳиссий яқинлик, фарзанд олдидаги ота-она масъулияти, ота-она олдидаги фарзандлик бурчи жуда мустаҳкамдир. Инсоний фазилятлар оилада шаклланади ва тарбия жараёнида фарзандларга мерос бўлиб қолади.

Ота-она бўлиш осон эмас, шунинг учун оила қураётган ёшлар оилавий ҳаётга шошмасликлари, аввало, турмуш, оила тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиб олишлари зарур. Бу борада маҳсус тайёргарлик кўриш ҳам фойдадан холи эмас. Бунда ота-оналар, педагоглар, психологлар ва бошқа мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Ёшлар айниқса, ота-оналар маслаҳат бера олмайдиган мавзулар юзасидан мутахассислар билан суҳбатлашиб олиш лозим. Оила қуриш бўсағасида турган ёшларга илмий-оммабоп адабиётлар тавсия этилиши шарт. Одатда, биз турли фан соҳасидаги кўнунларни ўқиймиз, ўрганамиз, оила қонуниятларини ўқиб ўрганиш керак, деб билмаймиз. Бу борадаги билимларни

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Андижон вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Андижон шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида “Майдон томошалари санъати” Республика фестивали ўтказилди.

Тадбирнинг тантанали ташкил этилган очилиш қисмида Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Шералиев сўз олиб, иштирокчиларни кутлади. Телефестивални карнай-сурнай садолари остида Фарғонадан ташриф буюрган Аҳмадjon Муродов бошчилигидаги “Қўкон минори” дорбозлар гуруҳи томошалари бошлаб берди. Фестивалда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан дорбозлик гуруҳлари, карнай-сурнай ва анъанавий цирк гуруҳлари, кўғирчоқ театрлари, гуруҳлари, масҳарабозлар, миллий полвонлар иштирок этдилар. Анжуманда Андижон вилоятидан 138 нафар, Наманган вилоятидан 76 нафар, Фарғона вилоятидан 88 нафар – жами 302 нафар томоша санъати вакиллари ўзларининг қизиқарли томошалари билан иштирок этдилар. Дорбозлар жамоалари катта дор ва сим дор ўйинлари, дор устида ижро этиладиган

мураккаб чиғирик ўйинлари, анъанавий цирк санъати гуруҳлари – жонглёр, гипноз ва иллюзия, йога ва акробатик машқлар, масҳарабозлик санъати, полвонлик ўйинлари, карнай-сурнай ижрочилигини, кўғирчоқ санъати ижрочилари ўзбек халқ дoston ва эртақлари ҳамда замонавий муаллифларнинг болалар учун мослаб саҳналаштирилган кўғирчоқ спектакллари намойиш қилдилар.

Айниқса, Пахтаобод туманидан “Мадаминдорбоз” миллий дорбозлик гуруҳи, Фарғона тумани “Водил чинори” халқ анъанавий цирк гуруҳи, Косонсой тумани халқ дорбозлик жамоаси ва полвонларининг томошалари фестивал катнашчилари ҳамда томошабинларни ҳайратга солди. Фестивалнинг ранг-баранглигини ошириш мақсадида вилоят “Хунарманд” уюшмасининг аъзолари ҳам ўзларининг бетакрор ижод намуналаридан иборат кўргазмалари билан иштирок этдилар.

“Майдон томошалари санъати” фестивалининг якуний гала-концерти маданият ва истироҳат боғининг “Амфитеатр”ида бўлиб ўтди. Телефестивалда иштирок этган барча гуруҳларга ташкилотчиларнинг “Фахрий ёрлик” ҳамда ва эсдалик совғалари топширилди.

Нуржаҳон НИЁЗОВА

оила психологияси фани ўргатади. Уни мукамал ўрганиш учун ўз устимизда умрбод ишлашимиз, кўпроқ адабиётлардан фойдаланишимиз, изланишимиз лозим.

Фарзанд тарбиясида отанинг ўрни жуда катта. Шарқда эркакка, яъни отага оиланинг устуни, суянчиги, посбони деб қаралади. Отанинг сўзи қонун эканлиги фарзандларга ёшлигиданоқ уқтирилади.

Фарзанд тарбиясида она қаторида, отанинг ҳам ўз вазифалари, бурчи, мажбуриятлари бор. Фарзанднинг комил инсон бўлиб шаклланиши учун ота унга намуна бўлиши керак.


Баъзиларнинг киз болани ёшлигидан келинликка, оналикка тайёрлаш керак, ўғил оиласини бокса бўлди-да, деган фикрлари ноўрин. Психологларнинг айрим тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, гўдаклигидан эътибор ва назорат остида бўлган ўғил фарзанд ўз тенгқурларидан кенг дунёқараши, интизоми, мустақил фикри, масъулиятни ҳис эта билиши ва билим кўрсаткичлари билан ажралиб турар экан. Юқоридагилардан келиб чиқадики, ота фарзанд тарбиясига она билан тенгма-тенг қизиқиши, унда фаол иштирок этиши шарт.

Ота-она ва фарзанд орасидаги дўстлик боланинг ота-она томонидан айтилган насиҳат ҳамда қоидаларни тез ва ижобий қабул қилишида муҳим роль ўйнайди, ўзига бўлган ишончини орттиради. Ота-она фарзандларининг дўстлари, кун тартибига дўстона ёндашиши, уларга нисбатан зўравонликдан холи, аммо қатъий назорат ўрнатиши шарт.

Оилани мустаҳкам, келажакни порлоқ эта оладиган

фарзандни тарбиялаш учун кунт ва эътибор зарур. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, оталик ниҳоятда улуг шараф бўлиш билан бирга кучли масъулият ҳамдир.

Наргиза ТОЛИПОВА



Bir sicim tuproqdan yaralgan olam



Кўлида бир сиким лой... Ўзининг мўъжаз фикрлаш олаmidан келиб чикиб, лойни турфа шаклларга солаётган болажонни кузатганмисиз? Қизиқишдан бошланган эрмак улғайиб, бир хунарнинг бошини тутишга олиб келса, не ажаб. Миллий кулолчилик бугун янада раvнак топиб, эъзозланаётир. Хонадонларимизда шамдонлар, гулдонлар, кўзалар ва турфа буюмлар хизматимизга шай.



Ёшларимизни маънан бойитиш, миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар рухида тарбиялаш, уларни гиёҳвандлик, турли иллатлар хавфи ва зарарли таъсиридан химоя қилиш мақсадида пойтахтимиздаги Ўзбекистон Маданият ва санъат кўرғазмаси биносида Ёш кулолларнинг “Обод турмуш йили”га бағишланган Республика кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Бадий Академияси, Республика “Хунарманд” уюшмаси, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрғазмада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан

ташриф буюрган 12 нафар ёш кулоллар ўзларининг уч юздан ортиқ ижодий ишлари билан иштирок этдилар.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари – санъатшунослик фанлари доктори Камола Оқилова, Республика “Хунарманд” уюшмаси раиси ўринбосари Лутфия Мирзаева, уста-кулоллар Воҳиджон Мамажонов ва Тохиржон Ҳайдаровлар кўрғазмага кўйилган кулолчилик асарларининг мазмуни, дизайни ва ечими, ҳудудга хос анъаналарнинг моҳирона ифодаси мезонларига асосланиб, Самарқанд вилоятидан Фарход Бердиев, Бухоро туманидан Озода Гулова, Риштон туманидан Мирзамазҳар Ақромов, Шаҳрисабз шаҳридан Рустам Музаффаров, Хоразм вилоятидан Оғабек Раҳимов, Термиз шаҳридан Хайрулло Жўраев, Тошкент шаҳридан Ислому Юсупов, Жиззах туманидан Дилноза Туропова, Бухоро вилоятидан Дилноза Нарзуллаева, Андижон вилоятидан Улуғбек Абдуваҳобов, Наманган вилоятидан Жалолиддин Ақбоев, Тошкент шаҳридан Шамсиддин Шерназаровларни ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирладилар.

Жавлон СУЛАЙМОНОВ



Тараққиётнинг шиддати, кечаётган кунларнинг ўзгаришларга бойлиги турфа хабар ва янгиликларни узатиб туради. Бир ахборотни таҳлил қилиб улгурмай, нимадир янги ходиса содир бўлади. Оммага аниқ, ҳолис ва теран ахборотни етказишда журналистиканинг ўрни беқиёс. Бугунги кун журналист олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўймоқда? Шу хусусда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов билан суҳбатлашдик.

– Шерзод Ҳамидович, Сизни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриклайман. Суҳбатимиз аввалида Миллий журналистика соҳасидаги сўнги янгиликлар билан таништириб ўтсангиз.

– 2012 йил 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот



воситалари ходимлари куни муносабати билан Президентимиз йўллаган табрикларида Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материаллар, таҳлилий ва танқидий чиқишларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб бориш таклиф этилган эди. Шу мақсадда уюшмада тажрибали журналист ва экспертлардан иборат мониторинг гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳ томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган долзарб мавзудаги ўткир материаллар ва уларнинг натижалари таҳлил қилиниб, “Хуррият” мустақил газетасида бериб борилмоқда.

Шуни айтиш мумкинки, оммавий ахборот воситалари ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ошди. 1991 йилда республикамызда 395 та нашр бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 1300 тадан ортди.

– Журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш масалалари ҳақида гапириб берсангиз.

– Бу масалада жуда катта ишлар қилинмоқда. Ҳамкор ташкилотлар – Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон

Ҳолис сўз хизматида

E TIROF

Ўзбекистон халқ артисти, беназир истеъдод соҳиби, бастакор ва созанда Ўлмас Расулов Бухоро анъанавий мусикаси билимдони ва ижодкоридир. Устоз санъаткор фаолияти давомида нафақат Бухоро мусикаси, балки Хоразм, Тошкент-Фарғона анъанавий ва халқ мусика ижодиётини чуқур ўрганди ва ўзбек мусикасининг тарғиботчиси сифатида қатор куй ва ашулаларни жўрнавозлик ва якканавозликда Ўзбекистон радиоси “олтин фонди”га муҳрлади. У нафақат ўзбек мумтоз мусикаси, балки қардош ва жаҳон халқлари мумтоз асарларини юксак ҳурмат билан эътироф этади.

Ўлмас Расулов Бухородаги “Сайқал” мақом ансамблининг ташкилотчиси ва раҳбари, шунингдек, Бухоро Давлат филармониясининг бадиий раҳбари сифатида ҳамда Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги “Зарафшон” ансамблида фаолият кўрсатиб, миллий мусикамизни тарғибот қилишда жонбозлик кўрсатди. Устоз Бухоро шашмақомининг эски ижро услубини тиклашда ҳам бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Ўлмас Расулов моҳир ғижжак ижрочиси бўлибгина қолмай, балки ҳофиз сифатида “Ор йиғлайди”, “Содирхон Ушшоғи”, “Сиғмадим”, Бухоро ашула йўлларидан – “Забоний”, “Жавоний”, “Туманий”, “Гулрез” сингари туркум ашулаларни мароми етказиб куйлангани мақом пинавандаларига яхши маълум. Шу билан бирга унинг мақом йўлида басталаган ўнлаб ашулалари хонандалар

томонидан суйиб ижро этиб келинмоқда. Устознинг “Дунё кетар сурилиб”, “Ғунчадек”, “Кераксан”, “Менимча”, “Не хол экан”, “Не жафо”, “Нозик мухаммаси”, “Рубонёт II” каби мақом йўлида басталаган ашулаларини ўз ижросида компакт дискларга муҳрлади.

Мақомхон устозларнинг вориси, Шашмақом билимдони Ўлмас Расулов мақом тарғиботи ва тадқиқоти борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. У кишининг ташаббуси билан 1996 йилда Бухоро давлат университетида Республикамыздаги биринчи “Анъанавий мусика ва Бухоро Шашмақоми” кафедраси ташкил қилинди. Кафедра қошида эса ўқитувчи ва талабалардан ташкил топган “Мақом ансамбли” ташкил этилди. Шашмақом туркуми айрим шўъбаларидан олинган ашула ва куйлар, шунингдек, мақом йўлида басталаниб, юксак савияда ижро этиладиган ашулалар мазкур ансамбл репертуарининг асосини ташкил этди.

Университетда ўқиб юрган кезларимда кизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Устоз ўз хоналарида, брайль ёзувида ниманидир ижод қилар эдилар. Эшик ойнаси орқали устозни кузатиб, ижоддан чалғитмаслик мақсадида оёқ учида секингина юриб келиб қўлимдаги ғижжак ва дафтарни овоз чиқармасдан столга қўйиб, ортга бурилгандим, устоз:

– Ғанижон, келдингизми? – дедилар. На гапира оламан, на салом бера оламан. Бошимдан муздек сув қуйилгандек

ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан бу борада кенг қўламли ишлар, турли медиа форумлар, конференциялар, семинар-тренинглар ташкил этилади. Шунингдек, ёш журналистлар учун ёзги таътилда медиаоромгоҳлар фаолият юритади. Бунда хорижий ҳамкорлар билан тажриба алмашилади, маҳорат мактаби дарслари олиб борилади.

Ўзбекистон Миллий университетининг Журналистика факультети ҳамда Олий журналистика курси, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультети асосий журналист кадрларни етказиб беради.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, журналистлар малакасини оширишда танловлар муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, республикада “Олтин қалам” миллий мукофоти учун танлов, ҳар йили касб байрамимиз – 27 июнда “Йилнинг энг фаол журналисти” танлови, Мустақиллик байрами арафасида “Энг улуғ, энг азиз” республика танловлари ўтказилади.

– *Айнан журналистика соҳасидаги танловлар ҳамда ижодкор учун рағбатнинг аҳамияти хусусида сўрамоқчи эдим.*

– Ҳукуматимиз журналистларнинг вазифалари шарафли, айни пайтда, ўта масъулиятли эканини ҳисобга олиб, журналистларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб ишларни амалга оширади. Танловлар журналистларни ўз устида ишлашга, тажриба алмашишга, касб маҳоратини оширишга ундаши билан аҳамиятли. Юқорида айтиб ўтганларимдан ташқари Электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида “Озод юрт тўлқинлари” ижтимоий телерадиомахсулотлар Миллий фестивали, Мустақил ОАВ билан “Эътироф”, “Менинг конституциям”

танловлари мунтазам ўтказиб турилади. Бу сингари тадбирлар, журналистлар таъбири билан айтганда, маҳорат мактаби вазифасини бажаради.

– *Бугун ҳамма ўзига керакли, долзарб янгиликларни исталган манбадан олиши имкониятига эга. Холис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиши бугунги кун журналисти олдига қандай вазифаларни қўяди?*

– XXI асрни глобаллашув ва интернет асри, деб атаймиз. Шу шароитда оқни қорадан, асли сохтадан ажратиш журналистдан катта маҳорат талаб қилади. Бунинг учун, аввало, ўз устида мунтазам ишлаши, билим ва малакасини ошириб бориши, устозлар, ҳамкасблар, ҳамкорлар билан тажриба алмашмоғи, замонавий билимларни, чет тилларини пухта ўзлаштироғи лозим. Журналист жаҳон ахборот майдонида рақобатлаша оладиган сифатли “махсулот” ишлаб чиқариши керак. Баъзан журналистларда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бир хил ёндашув сезилади. Реал, холис ва ҳаққоний ахборот бериш журналист ва ОАВга нисбатан ишонччи оширади.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтишни лозим деб биламан: “Биз бугун яшаётган глобаллашув ва ахборот асрида тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот коммуникация технологияларидан, оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда”.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Яна бир бор касб байрамингиз қутлуғ бўлсин.

Манзура ШАМС суҳбатлашди

Ўлмас ананалар yo'lida

бўлди. Ахир, устоз кўра олмайдиларку... Бир муддат эсанкираб қолдим. Ниҳоят, ўзимга келдим.


– Ҳа-ха, домла, ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом! Вазифани бажардингизми?

– Ҳа, мана бу дафтарда.

– Яхши, қолдириб кетинг, дарсингиз тугагач, ўрганиб чикамиз, – устоз ўз ишларига киришиб кетдилар. Ўлмас ака нафақат одатий мусиқий товушларни ажрата оладиган, балки инсон шарпасини-да эшитиб, зоҳиран ҳис қила оладиган даражадаги ботиний чашм соҳиби эканликларига ўша кез яна бир бор амин бўлганман.

У ижодда бир сония бўлса-да тўхтамайдиган, ҳамшиша



янгиликка интилувчан ижодкор бўлиб, ўз мухлис ва шинавандалари қалбини забт этиб келмоқда. Устознинг бу каби ижод йўлидан асло толиқмай, қадим анъанавий мусикамининг унутилаётган кўплаб намуналарини кашф этавериши, мақом йўлида яна янги асарлар яратаверишини интизорлик билан кутиб қоламиз.

*Ғанижсон ХУДОЕВ,
санъатшунос*

Siyosiy partiyalar faoliyatida PR

Маълумки, кўппартиявийлик бошқарувнинг демократлашуви ҳамда фуқаролар сиёсий фаоллиги ошиши натижасида юзага келадиган эркин фуқаролик жамиятининг асоси саналади. Шу боис “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” асосида қабул қилинган қонунга кўра Бош қомусимизга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар айнан сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини янада оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратди. Бу эса партияларнинг сайловолди ва ҳаракат дастурларини изчил равишда ҳаётга татбиқ этиш орқали пировард мақсадимиз – юртимизнинг кучли ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши йўлидаги фаолиятини янада самарали ташкил этишга имкон яратди. Айтиш жоизки, ривожланиш – рақобат маҳсули. Сўнгги йилларда даврий нашрларда эълон қилинаётган танқидий руҳдаги мақолалар сиёсий партияларнинг сайловолди дастури бўйича амалга оширилаётган ишларига ўзига хос ойна тутмоқда. Бу эса айрим камчиликларнинг баргараф этилиши ҳисобига фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Хусусан, 2012 йилда эълон қилинган 168 дан ортиқ танқидий мақолалар таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, сўнгги пайтларда бундай чиқишлар пиарнинг турфа усуллари сифатида хизмат қилаётир. Қузатувлар жараёнида 2011 йилда эълон қилинган танқидий руҳдаги мақолаларга нисбатан 2012 йилдагиларида шу каби ҳолатлар кўпроқ эканига амин бўлдик.

Хўш, аслида пиар нима ва уни сиёсатда қандай қўллаш лозим?

Жамоатчилик билан алоқалар, пиар (ингл. *Public Relations* – жамоатчилик билан алоқалар, жамоатчилик билан муносабатлар, жамоатчилик алоқалари, жамоатчилик муносабатлари, ижтимоий ўзаро ҳамкорлик; қисқача: PR-пиар) кенг маънода ижтимоий фикрни бошқариш, жамият ва давлат органлари ёки тижорат тузилмаларининг ўзаро муносабатларини ўрнатишдир.

Профессионал **PR-агентлик** хизматларидан давлат органлари халқаро муносабатларда ижобий имижни яратиш ва ўз иқтисодиётларини кучайтириш мақсадида фойдаланади.

Жамоатчилик билан алоқалар — бу нафақат **XX аср феномени**, балки унинг илдизлари узок тарихга, жумладан, Шумер, Хитой, Вавилон, Қадимги Греция ва Қадимги Рим каби цивилизациялар гуллаб-яшнаган даврларга бориб тақалади. Амалиёт шахсларо

коммуникация, нотиклик санъати, махсус тадбирлар, “паблисити”ларни ташкил этишга асосланади.

“Жамоатчилик билан алоқалар” тушунчаси реклама, тарғибот, паблисити, журналистика, ташвиқот, маркетинг ва менежмент каби тушунчалар билан беvosита боғлиқ.

Жамоатчилик билан алоқалар мутахассисини одатда релайтер (ингл. *relaiter*) деб аташади, яъни жамоатчилик билан алоқалар мутахассиси – шахс ёки ташкилот (компания, корхона, шахс) ва жамоатчилик ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Релайтернинг фаолият соҳаси – шахс ва ташкилотларнинг қиёфасини белгилаш, муайян шахс ёки ташкилот ҳамда жамоатчилик ўртасида уйғунлашган муносабатларни ўрнатиш, улар давомийлигини таъминлашдир. Кўпинча пиар-мутахассис, шунингдек, маркетер, рекламачи, имижмейкер, брендмейкер ва шу каби турдош вазифаларни бажаради.

Жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиснинг вазифаларига оммавий ахборот воситалари (медиа-рилейшенз) билан яхши муносабатларни йўлга қўйиш, кенгайтириш, қўллаб-қувватлаш ҳам киради. Бунда муайян лойиҳанинг мақсадлари ва талабларига жавоб берадиган энг мақбул нашрлар, теле ва радиоканаллар, интернет-ресурсларни танлашга эътибор қаратилади.

Танланган ОАВ, жамоатчилик билан фаол муносабатлар, доимий алоқалар PR-мижознинг жамоатчилик орасидаги обрў-эътибори ва имижини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Тўртинчи ҳокимият ҳисобланган ОАВ билан ишлаш тизимли ёндашувни талаб этади. Шу боис жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассис журналист психологиясини, бугунги шиддат билан ўзгарувчи дунёда унинг мақсадлари, эҳтиёж ва истакларини ҳисобга олиши зарур.

Релайтер томонидан яратилаётган махсус воқеалар жамоатчиликнинг ахборотга қизиқишини уйғотиши керак, у қизиқарли, долзарб ва муҳим бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий партияларнинг имижини кўтариш, хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда мазкур хизмат фаолияти ҳам ҳал қилувчи жиҳатлардан бири саналади. Бунинг учун эса сиёсий партияларнинг матбуот хизмати ходимларидан ишига нисбатан доимий равишда талабчанлик билан ёндашиш, жадал суръатлар билан ўзгариб турувчи ахборот оламининг янги қонуниятлари билан ўз вақтида танишиб бориш, бир сўз билан айтганда, тинимсиз изланиш талаб этилади.

Ҳулқар БЎРИЕВА

Til bilmoq – davr talabi

Мустақил Ўзбекистон глобаллашув, фан-техниканинг янгидан-янги ихтиро ва кашфиётлари яратган мислсиз имкониятлардан оқилона, ишчанлик руҳида фойдаланиб, тенг ҳуқуқли миллатлар, элатлар ҳамда миллий гуруҳларнинг жипслашган оиласи сифатида намоён бўлмоқда. Истиклол, ўзаро мулоқот ва муносабатлар кенг қулоқ ёзиб, янада жадаллашишига янги йўللари очди ва имкониятлар яратди. Пировардида, инсониятнинг бунёдкорлик қобилияти янада юксалиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ер юзи аҳолиси аynи пайтда етти мингдан ортиқ турли тилларда мулоқот қилади. Жумладан, Ўзбекистон аҳолиси, ҳисобимизча, 136 тилда сўзлашади. Кўринадики, бир томондан, миллатлар ва элатлар глобаллашув, фан ва техниканинг мўъжизакор таъсири остида яқинлашмоқда. Шунинг баробарида, давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий алоқаларнинг ҳар томонлама мустақамланишига замин яратилди. Бу туб ўзгаришлардан келиб чиқадиган ҳулоса шундан иборатки, бундай шароитда ўзаро мулоқот воситаси, яъни тилнинг аҳамияти ортиб боради.

Республикада турли халқларнинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқот ва муносабатлари кун сайин кенгаймоқда. Бу умумий мулоқот воситасига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Биз имконият даражамиз янада ортиши учун кенг қўлланиладиган чет тилларидан хабардор бўлсак, дунёнинг қаерига бормаёлик, осон мулоқотга кириша оламиз. Тажрибаларимиз юзасидан ўзаро фикр алмашиб, юқори натижаларга эришишимиз мукин бўлади.

Ўзбек тилимиз – миллий фахримиз. Аввало, ўз тилимизни пухта ўрганиб, адабий тил меъёрларига амал қилишимиз бошқа тилларни ҳам қийналмай ўзлаштиришга ёрдам беради.

Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Австралия ва Янги

Зеландия аҳолисининг асосий тили бўлган инглиз тили дунёвий мулоқот воситаси – тили эканлиги барчамизга маълум. Ўтмишда Буюк Британия қироллигининг мустамлакаси бўлиб, эндиликда мустақилликка эришган ўнлаб давлатлар инглиз тилини ўзларининг “давлат тили” деб эълон қилганлар. Ҳозирги замоннинг юксак суръатда ривожланаётган давлатлари қаторидан жой эгаллаб турган Ҳиндистон, Корея, Сингапур, Малайзия ва бошқа қатор мамлакатлар ўз сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётида кўпроқ инглиз тилидан фойдаланишади. Сабаби, мустамлакачилик тартиби мавжуд даврдаёқ ўнлаб эзилган халқлар инглиз тилидан озодлик учун курашда бирлашиш воситаси сифатида фойдаландилар, мустақилликка эришганидан сўнг эса инглиз тилини ўз мулоқот воситаларидан бирига айлантирдилар. Натижада, инглиз тили инсониятнинг умум мулоқот воситаси ва энг кенг тарқалган жаҳон тили, деб тан олинди.

Рус тили эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоларининг ўзаро музокара, мунозара ва мулоқот воситасидир. Ундан ташқари, МДҲда Болтик денгизидан бошлаб, шарқда то Тинч океан қирғоқларигача ёйилган ҳудудда истиқомат қилувчи юздан ортиқ миллат ва элатларнинг умумий тилидир. Рус тилида жаҳондаги илмий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий мавзудаги энг бой адабиётлар ҳамда лугатлар мавжуд.

Давр талаби, замонамизнинг амалий эҳтиёжи бўлган чет тилларини ўрганиш, тил қонун-қоидаларини ўзлаштириш муҳим вазибаларимиздан биридир. Бу олдимизга қўйган буюк мақсадларимизни аниқ, муваффақиятли амалга оширишимизга, давлатимизни дунёнинг юксак тараққий этган мамлакатларидан бирига айлантиришимизда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

*Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган фан арбоби,
фалсафа фанлари доктори, профессор*



*Адабиётнинг абадий бош мавзуси
Инсон ва унинг тақдири масаласидир.
Глобаллашув замонида Ҳазрати Инсон
очиқ денгизда йўлини йўқотган, нажот
излаб сарсари кезаётган кема ҳолига
тушмаслиги учун адабиёт энг яхши
халоскор. Таниқли ёзувчи Улугбек
Ҳамдамнинг “Янги инсон” достонидаги
 (“Тафаккур”, 2012 йил, 3-сон) исмсиз
қахрамон – Янги инсон айна шу
ҳолатда. Унинг миллати, ранг-рўйи
тасвирланмаган, ҳатто исми ҳам
аҳамиятсиз. Муҳими у Бугуннинг Одами.
Уни тобора ўз ўнқонига тортаётган,
махв этишга уринаётган “фожиалар
гирдоби” шоирни ўйга толдиради.*

Инсонларнинг фикрлаш тарзи, дунёнинг манзараси, кифёси тобора ўзгариб бораётир. Илгари одамзот моддиятдан кўра идеал борлиққа кўпроқ ишонар ва илоҳий-руҳий оламдан ўзига юпанч топарди. XVII асрда Ғарбда ниш урган “эркинлик фалсафаси” идеал ва унга асосланган ахлоқни барбод қилишга қаратилди. Мазкур “фалсафа” тарафдорлари инсонни руҳий мавжудот сифатида эмас, табиат фарзанди ўларок тушуниб, илоҳийлик ва руҳни афсонага чиқардилар. Шу нуқтада инсоният йўлида эврилишлар юзага келди...

Янги инсон энди ўзига керакли нарсани ўзидан, маънавиятга бой ўтмишидан эмас, ташқаридан излади. Ҳазрат Навоийнинг “Ҳар не истарсан ўзингдан истагил” деган ҳикмати унутилди. Анъанавий ахлоқ замон талабларига жавоб бермаётганидан норози Янги инсон эътиқоддан маҳрум, ўзини барча нарсага қодир зот билгувчи, руҳоният ва кўнгил масаласига бепарво, нафси амморанинг қулига айланган, роҳат-фароғатга муккасидан кетган бадастир ҳаёт оғушига ботиб кетди.

*Кўргиликлар шундан сўнг бошланди: ташқарига
чиқиб кетган одам ичкаридан, ундаги Илоҳий
Жавҳардан узоқ тушди...*


Бу унинг фожиалар сари қўйган биринчи қадами бўлди. Америкалик файласуф Патрик Жозеф Бьюкенен “Ғарбнинг ҳалокати” асарида Европани ҳалокатга етакловчи омиллардан бири – оила институтининг инқирозга учраши, деб таҳлил қилар экан, тобора инсон онгига чуқур кириб бораётган “оммавий маданият” аёлнинг эри ва болалари бўлиши табиий эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурлар устидан қулиб келганини, натижада аёлларнинг жамоатчилик назаридан қолиш, Яратган нафратига дучор бўлиш, гуноҳдан кўрқиб ҳисси сўниб бораётгани, “эркинлиги” ортгани сари аёллик бурчи – насл қолдиришни истамаётганини таъкидлайди. Худди эркак эркаклигини унутгани каби, у ўз аёллигини ёддан чиқараётганини таъкидлайди.

*Янги инсоннинг таври ўзгарди,
сулуқати турланди:
эркаги аёлга,
аёли эркакка ўхшай бошлади
Янги инсоннинг.*

Дарҳақиқат, эркагу аёлнинг “рол”лари қоришиб кетди. Отникидек калласида товукча фаҳми бўлмаган бу зотлар билан шоир бахслашиб ўтирмайди. Чунки уларда орият тушунчаси йўқ. Сабаби эса оддий:

*Янги инсонга барибир,
бу унинг учун оддий ҳол:
ўриси “в порядке вещей”, дейди бунга,
инглизи эса “normal”,
деб қўяди қисқа қилиб.
“Тавба-а-а!”, дейди ёқасини ушлаб ўзбеги*

“Yangi inson” qiyofalari yoxud borliqqa qadam qo‘ygan Hermoafrodita



Бу йўлда унга янгидан-янги фожиалар ҳамроҳлик қилмокда.

Оламни бозорга айлантириб тўймаганлар энди одамни бозорга солмокда...

Бозор эса фойда йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. “Уни муайян маънавий-ахлоқий доирада ушлаб туриш учун инсон эътиқодда собит бўлиши керак”, дейди шоир Усмон Азим. Эътиқодсиз инсонни курсок ғамидан бошқаси қизиқтирмаслиги аниқ. Инсон вужудда бир аъзо бор. У касалланса, бутун вужуд захарланади. Бу – калб. Уни эътиқод юксалтиради. Инсон – тана ва руҳнинг бирлиги.

Оламни бозорга солмокчи бўлганлар унинг ДНКсига даҳл қилиб, яратувчиликка даъво бошладилар. Яратиш – Оллоҳнинг иши. Бу ишга бандасининг аралашуви ўларок клон яратилди. Буларнинг барчаси даҳрийлик – диний эътиқоддан маҳрумлик ва инсонни илм юксалтиради, деган ақиданинг ҳосиласидир. Учинчи минг йиллик остонасида Одам Ато фарзандлари кўз кўриб, кулоқ эшитмаган “мўъжиза”ларга гувоҳ бўла бошлади. Бир рус хонандаси фарзандли бўлишнинг сунъий йўлини танлабди. Нахот, оила тушунчаси бутунлай ўзгарган бўлса...

Айрим мамлакатларда бир жинсли никоҳнинг қонунийлаштирилаётгани Люцифер – иблис одамзодни ўргимчакникидек мустаҳкам иплари билан чирмаб олганича жаҳаннам қаърига тортаётганига ўхшайди. Руҳимизни, ақлимизни ўз домига тортаётган дажжолнинг аллалари шоирни кўркувга солмокда:

***Мана шу тарзда
Янги инсоннинг тафаккури
секин-аста ўчирилмокда
бинобарин, энди инсон фикрламайди.***

Инсон фикрламай кўйса, яшашдан ҳам тўхтайдди. Тафаккурнинг ўзаги фикрдир. Ундан маҳрум инсон манкуртга айланади.

***Унинг калласи нафақага чиқарилиб
ошқозони ўн ҳисса ишлайди энди.
Унинг мияси учинчи минг йилликда
меъдасига “шалон” этиб ташлаб юборилади!..***

2008 йил “Оскар”га муносиб кўрилган Ҳолливуднинг “Валли” номли мультипликацион фильмини кўрганлар бор. Антропоген омиллар туфайли ерда ҳаёт тугаган... Инсонлар бошқа сайёрадан паноҳ топишган... Тараққиётнинг натижаси ўларок, роботлар инсон хизматида. Аниқроғи, инсон роботлар измида. Йиқилиб тушган инсон, ҳаракатланишни унутгани туфайли, робот келиб кўмаклашмагунча, ўрнидан туролмайди. Худди фикрлашни унутган Янги одам каби. Ҳамма нарса автоматлашган замонда унинг қимирлашга-да эҳтиёжи қолмаган. Бир пайтлар ўзи яратган темир-терсақларнинг қулига айланиб бўлган.

Фильмда яна бир қулгили, лекин фожиали сахна бор. Ҳар тонг сайёра аҳлига генерал салом йўллагач, уйкудан уйғонишади. Бир куни генерални ғафлат босиб, хайрли тонг тилолмай қолади. Дарҳол барча фуқароларга қайтадан ухлашга буйруқ берилиб, гўё энди тонг отгандек генералнинг саломи йўлланади. Инсонни шу тариқа тафаккур қилишдан тўхтаган манкуртга айлантириш, исталган мақомига йўрғалатиш, ўзи истаганидек бошқариш кимларгадир КЕРАК! Улар бу йўлда аллақачон ҳаракат бошлаганлар. “Маданий инқилоб” ёрдамида сингдирилган “чексиз эркинлик” ғояси мутлақо ўзлигидан маҳрум авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Шоир “Янги инсон”да бизни ана шу хавфдан огоҳлантирмокда:

***Бу дунёда ўз фикрингга эга бўлмаслик –
бахтсизлик,
бўлиш эса хавфли!
Беихтиёр аро йўлни қидирасан.***

Шоир бу мавзунини бошқа давом эттиргиси келмайди. Яна асосий масалага қайтиб, ўйлаб олишга чақиради:

***Афтидан
дўппини олиб кўйиб,
ҳаммасини бир бошдан,
қайта-қайта,
бор, ана етти марта ўйлаб,
сўнг бир кесадиған вақт келган бугун!***

“Йўқса, юракларга даҳшат солиб, тасаввур ҳаёлларга тажовуз қилганча яқинлашаётган Супер одамга эм бўламиз”, дейди дoston муаллифи. Бу сатрларни ўқиган айрим кишилар ҳаёлидан “Ол-а, намунча ваҳима қилишмаса? Нима, осмон узилиб, ерга тушибдимми?” деган эътироз ўтиши мумкин. Осмон узилиб ерга тушиши ҳам гапми? Нақ киёматнинг ўзи бошланади:

***супер одам,
башарият сония-сония,
мисқол-мисқол тўплаган
бугунги тарих ва маданиятнинг
интиҳосию
эртанги
шармандали тарихнинг,
уятсиз маданиятнинг ибтидоси дегани!***

Шоирнинг юрагига даҳшат солган бу “маданият” бағрида Худога ҳам, маънавий кадриятларга ҳам жой йўқ! Инсонлар ўзини “буюк” деб атаган даврда ҳеч бир “ахлоқий кишанларсиз”, мутлақо чекловларсиз яшашга ўтдилар. Лекин шарҳловчи Женкин Ллойд Жонс таъкидлаганидек, “буюк тамаддунлар ва ҳайвонларга хос яшаш тарзи андозаларининг умри қиска” бўлишини унутдилар.

Бугун “сарик матбуот” саҳифаларида “Фалон ўлкада пистон исмли фуқаро ўз жинсини ўзгартирди. У аслида эркак эди. Операциядан сўнг аёлга айланди, энди унинг навбатдаги орзуси – фарзандли бўлиш”,

кабилидаги хабарларга кўзимиз тушадиган бўлиб қолди. Тараққиётнинг “шарофати” ила бугун инсон ана шундай “дохиёна” ишларга ҳам қўл урди. Энди эса Супер одам яратишга бел боғлаган кўринади:

Супер одам

эркакда аёлликнинг,

аёлда эса

эркакликнинг пилигини кўтарадиган иблис!..

натихада сен на эркак

на аёл-учинчи жинсга айланармишсан!..

Улар бир вақтнинг ўзида

борлигинда жам бўлиб,

икки жинсли битта махлуққа эврилармиш...

Ана “сурпириз”у, мана “сурпириз”! Бунинг амалга ошиши тугул, тасавурда жонланишининг ўзи даҳшат! Нахот, Хермоафродита юнон афсонасидан чиқиб келиб, борликқа қадам қўйган бўлса?!

Мана нима учун мен
ривоятлар қаршисида

хушёр тортаман

уларни ҳаётнинг тилига кўчиришда

тараддулланаман...

Чунки уларда,

ҳаммасида ҳам эмас,

айримларида,

айримларининг бағрида

жинлар ухлаб ётади...

Маълумки, мифлар динларнинг бузилган шаклидир. Шоирнинг афсоналар қаршисида хушёр тортиши, уларнинг айримлари бағрида жинлар ухлаб ётади, деб ҳисоблаши эса айни ҳақиқат.

Янги инсон ҳеч тап тортмай, жин ухлаб ётган кўзанинг узун бўйинини силамоқчи. “Биз ўзимизни кўрмаганга соляпмиз, Замондош!” дея гафлат уйқусидан хушёрликка чақиради шоир. Шоир адоқсиз саволларига ниҳоят жавоб топади:

хулласи калом,

ҳамма гап ичкарию ташқарида,

уларнинг муносабатида,

ич ва ташнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган йўлда,

шу йўлдан бораётган одамнинг

қалқиб турган нигоҳларида экан.

Достондаги Йўл сўзи рамзий маъно касб этади. Маълумки, тасавуфда Яратганни излаб, комиллик йўлига тушган киши йўлчи дейилади. Бу фалсафадан яхши хабардор муаллиф ўз саволларининг ечимини шу йўлда кўради:

Нега ҳамма одам

ўша битта одамнинг йўлини тутмайди?

Ахир ботинида бор-ку ўша йўл!

Нега қидирмаймиз,

Нега йўлга тушмаймиз?

Токи инсон ботинига қайтмас, Ҳақ йўлига юз бурмас экан, фожиалар гирдобидан чиқолмайди. Материалистик дунёқарашидан воз кечиб, диний эътиқодга қайтган Уиттакер Чамберс “Давримизга ҳос асосий муаммо иқтисодиёт билан эмас, иймон-эътиқод билан боғлиқдир”, дейди. Шоир наздида, Бани Одам қилаётган ишлар катта одамнинг эмас, ёш боланинг оқибатини ўйламай қилаётган эрмакларига ўхшайди:

Қачон бу бола улғаяркан?!

дея ҳайқирасан оламга ...

Лекин бу хитобни ҳеч ким эшитмайди,

чунки катталар йўқ атрофингда,

катталар!..

Қани улар дейсанми?

Улар кўчага чиқиб кетган,

кўчадаги шовқин билан банд катталар,

улар шовқиндан бошқа товушни

эшитмайди!..

Уларни Оллоҳнинг ўзи ҳидоят йўлига бошлама-гунча тўғри йўл топмаслар. Шоирнинг дунёни янгича кўришга эҳтиёжи бор. Бунинг учун эса нажотни ташқаридан эмас, ичкаридан, кўнгилдан қидирмоқ лозим. Инсон ўзининг буюк тарихи, маънавиятига суянмоғи лозим. Оёғи ердан узилган кимсалар миллий ва умуминсоний маданиятни ўзлаштириб олишга ожизлик қиладилар.

XX асрнинг бошида мусулмон дунёсининг буюк мутафаккирлари – Исмоил Гаспирали, Маҳмудхўжа Бехбудий Шарқ олами Оврўподан техника ва технология бобида жуда кўп янгиликларни олгани ҳолда, ахлоқ ва маънавият масалаларида Ғарбда урф бўлган “кашфиёт”ларни асло қабул қилолмаслигини таъкидлаган эдилар. Инсон ўзини, ўтмишини унутмасагина саодатга эришади. Зеро:

Эртага очилажак нафис гулнинг қисмати

кечаги илдизнинг бадбуруш пешонасига

битилган бўлади

ўқисанг-чи!..

Алқисса инсон кўнгли

Яратганнинг даргоҳига очилажак

эшик бўлса,


сен ташқарида нималар қилиб юрибсан,

замондош?!

Улуғбек Ҳамдамнинг “Янги инсон” достони фақат сизу бизга, миллатга тегишли достон эмас. У бутун инсониятга SOS сигнали каби огоҳлантириш беради, бонг каби янграйди. Достон бизни ўйлантирадиган, ҳаяжонга соладиган муаммоларни қаламга олиш баробарида, унинг ечимини ҳам ўртага ташлайди.

Дилдора БАҲРИДДИНОВА

Mohir muallim



Халқ ўртасида шундай бағрикент ва мохир созандалар борки, улар ўз санъати ва билимини ёш авлодни тарбиялашга сарфлайди. Заҳматли ва машаққатли ишга умрини бахшида этишади. Шундай фидойи инсонлардан бири устоз санъаткор, мохир танбурчи, профессор Абдулла Умаровдир.

Абдулла Умаров 1951 йили Тошкентда зиёлилар оиласида таваллуд топди. Отаси Ғулом Султон ака математика ўқитувчиси бўлиб, етук шогирдлар чиқарган, эл ичида хурмат қозонган инсон эди. Абдулла ёшлигидан санъатга меҳр қўйиб ўсди. Толе уни ижодий муҳит билан ҳам сийлаган эди. Аҳмаджон қўшнаичи, Ашурали сурнайчи, машҳур найчи Исҳоқ Қодиров уларнинг қўшнилари бўлиб, ҳар куни мусикачиларнинг йиғинлари, янги куй устидаги баҳсу мунозараси ёш Абдуллани мусика оламига кўринмас ришталар билан боғлаб борарди.

Шунингдек, у ғижжакчи Обид Холмухаммедов, шоир Чустийнинг дилкаш суҳбатларидан, бетакрор ижодларидан кўп баҳраманд бўлган. Шу тариқа Абдулланинг юрагидаги мусика санъатига бўлган

кизиқиш кундан-кун аниқ мақсадга айлана борди.

Дарвоқе, Абдуллажон мусикага, санъатга кизиқгани билан ота касбини ҳам унутмади, мусика ўқитувчиси бўлишга қаттиқ аҳд қилди. Унинг мусикага иштиёқи баландлигини билган акаси Абдуллани 1967 йили Тошкент мусика билим юртига олиб боради. Абдуллани гапга тутган, чолғу черттириб кўрган устозлар унга халқ чолғу бўлимининг танбур синфига киришни тавсия этишади. Синовлардан муваффақиятли ўтган Абдулла Умаров тажрибали ўқитувчи Сотволди Каримовдан мусика сирларини ўргана бошлайди.

Абдулланинг заковати, кучли иктидори, интилишлари тез орада устозлар эътиборини тортади. У тез-тез кўриктанловларга жалб қилинар, мусобақаларда ғолиб чиқиб, устозлари юзини ёруғ қиларди.

1971 йили мусика билим юртини муваффақиятли тугатган Абдулла Умаров Консерваториянинг танбур синфига ўқишга қиради. Такдир бу гал ҳам унга кулиб боқади: Абдулла Консерваторияда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, танбурчи Ризки Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фахриддин Содиков, забардаст мақомшунос олим, санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ражабий каби улуғ санъаткорлар қўлида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлади. Устозларининг ҳар

сўзини жон қулоғи билан тинглайдиган, пардалар устида югургилаётган бармоқларини берилиб кузатадиган Абдулла тез орада ўзбек мумтоз куйлари ва мақомларини ўзлаштириб олди ва ажойиб мақомчи, ўзбек куйларининг мохир ижрочиси – созандага айланди.

Консерваторияни тугатгач, филармонияга йўлланма олди ва бу ерда 1976-1980 йиллар мобайнида созанда бўлиб ишлади. Танбур созининг сеҳри уни Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли сафига, устоз созандалар Турғун Алиматов, Ориф Қосимов, Ориф Ҳотамов, Илҳом Тўраев, Абдухошим Исмоилов, Берта Довидова, Ҳадя Юсупова, Очилхон Отахоновлар қаторига тортди. Ўзбек мумтоз куйлари ва мақомлари айна танбур чолғусида ижро этишга яратилгани учун катта меҳр билан ансамбль сафида ўз маҳоратини кўрсата бошлади.

Абдулла Умаров ота касби – муаллимликни ҳам асло унутгани йўқ. 1988 йилдан бугунга қадар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Миллий кўшиқчилик кафедрасида танбур синфи бўйича дарс бериб келаётган талабчан устоз неча-неча талабанинг қалбига мусикага иштиёқ ўтини солмади, дейсиз. Бундан ташқари, у ўзига кадрдон Республика мусика билим юртида, Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейида ҳам дарс берди. Абдулла Умаровни эҳтиром билан устоз атагувчи шогирдлар орасида элга таниқли санъаткорлар – Ўзбекистон халқ хофизи Маҳмуд Тожибоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов, Ўзбекистон халқ хофизи Оролмирзо Сафаров, хонанда Ўктам Аҳмедов, созанда Шомурод Дадаев ва бошқалар бор.

Устоз малакасини, тажрибасини мунтазам ошириб борди, изланишлардан тўхтамади. 1991 йили катта ўқитувчи, 1998 йили доцент, 2006 йили профессор илмий даражаларини эгаллади.

Абдулла Умаров устозлик фаолиятдан ташқари бир неча рисоалар ҳам нашр эттирди. “Танбур наволари”, “Ансамбль чолғулари”, “Танбур тароналари”, “Чолғу ижрочилиги”, “Мусикий чолғу ижрочилиги”, “Анъанавий чолғуларни ўрганиш” каби ўқув қўлланмалари талабалар ва тадқиқотчилар, шунингдек, ўзбек мумтоз мусикаси, чолғулари шинавандалари учун қимматли манбалар сирасига қиради.

Абдулла Умаров кўп йиллик педагогик маҳорати билан ёшлар қалбига санъаткорона одоб-ахлоқни сингдириб, уларнинг дид ва зехнини ўткирлашга ҳаракат қилади. Шу боисдандир, у кишини мудом талабалар қуршовида кўрамай. Ишонамизки, устоз санъаткор самарали фаолият юритиб, ҳали жамиятимизга фойдаси тегадиган кўплаб ёш санъаткорларни улғайтиради.

*Абдуфаттоҳ АБДУҒАФҒОРОВ,
Комилжон МИРЗАЕВ*

Kanglumga birdayin haq qurbi ingan



Ikrom OTAMUROD

Ассалом, субҳидам бўлай пойнингга пойдор,
Ассалом, насим шевази эндириган дийдор,
Ассалом, гуллар, дарахтлар, қушлар, чорбоғлар,
Ассалом, қирлар, тепалар, қоялар, тоғлар,
Ассалом, даштлар, ёбонлар, саҳролар, чўллар,
Ассалом, сўқмоқлар, ўрлар, қоялар, йўллар,
Ассалом, уммонлар, кўллар, сойлар, дайролар,
Ассалом, борлар, асрорлар, йўқлар, айролар,
Ассалом, гиналар, пандлар, кеклар, боғичлар,
Ассалом, қувончлар, ғамлар, дардлар, соғинчлар...
...Яхши ором олдингизми туннинг қасрида,
Интик кутиб субҳидамнинг васлин, аслида,
Ўзингизни чоғладингизми янги кун учун,
Сизга сихат, сизга қурбат берсин янги кун,
Субҳидамнинг ифоридан бўлганки пайдо
Дийдор савби зинҳор-зинҳор топмасин адо,
Умидларнинг манзилларин айлаб макон, ёр,
Ғариб канглум тубларида бўй тортсин дийдор.

Рухимни олиб учади хаёл,
Тўлиб кетади жисмим ғуссадан.
Зеро,
дардимни чегириб хиёл
гирдимда
гир-гир насим эсса хам.

Сабрлар,
бардошлар тоғидир –
кўксим,
канглум –
армонлар ямоғин уҳи.
Туманлар чирмаган тонгдай ўқсиб –
чўқади кўкнинг қаърига руҳим.

Бувишим...
Изхор эт менга дардларинг
занжир халқасидай йўрилган қат-қат.
Канглунг ғуборларин,
канглунг гардларин
канглумга кўчирай,
менга айт,
фақат.

Учру бефарк,
билмас,
недир тасалло,
йўлларнинг таноби муттасил йирик.
Жўяли бир жавоб тополмай,
асло,
олдинда йўрғалар хамиша сўрок.

Хумумга пойидор дардлари ичинда –
хўрсинган бувишим –
канглумдаги гул.
Кел,
хеч бўлмаса,

изоси мўл очунда
бир кангулдан фуруғ олсин бир кангул.

Бувишим...
Изхор эт менга дардларинг
занжир халқасидай йўрилган қат-қат.
Канглунг ғуборларин,
канглунг гардларин
канглумга кўчирай,
менга айт,
фақат...

* * *

Сабр,
дариф тутиб бир томчи болинг,
минг томчи оғунгни ризқ этдинг менга.
Балки,
сени раво кўрган-чун толе
канглумга бирдайин ҳақ қурби инган.

Йўлда кетаяпман.
Юрган йўлимда
дуч келса гоҳ қувонч,
гоҳида жабр –
не ҳолатким,
пайдо бўлиб канглумда
паймонимга оро киргайсан сабр.

Вужуд – майдон.
Майдон ичра кўп такки
ёлғон ўргимчаги тўқийди таъбир.
Сен ўзингни ёрон билганинг ҳаққи
бир умр канглумда ўстирдим сабр.

* * *

Асиғдан йигрилган тириклик
олами пир қилди ҳафсалам.
Гуноҳим не экан,
билмам,
лек
кўйвормас ташвишлар ортиб ғам?!.

Учрунинг чоғлари охирлаб –
тугаб борар қоби канглумнинг.

Олдда қараб турган зоҳирлар
назарини тортолмас унинг.

Ғамларимни ҳамдам билиб,
хай,
хоҳиш бермай нақлу рўёга:
йўлга чиқдим,
ташвишларга айтмай,
кетаман,
билдирмай дунёга...

* * *

Нигоҳларинг жозиблага тўла,
оразингда балқир ой нури.
Дунё сенга маҳлиё бўлар,
ишқ суратин канглунгда кўриб.

Рафторингга интизор йўллар
айланади ҳажр доғинда.
Гулгун ифор сочади гуллар
айрилмайин висол боғиндан.

* * *

Одамга нима керакдир,
аслида
аслида,
одам бўлса у агар?!
Оламнинг турланувчан тўрт фаслида
кадрин хўрсинтирмай қадам босса гар...

...Муттако,
ўз кадрин билган одам бор.
Биров инъомини қилмас далолат.
Қўкракни беаган темирлар зинҳор
бермагай кангулга чимдим ҳарорат.

Осмон хошияси маҳлиё айлаб,
заминнинг оҳини кўзга илмаса...
...Вужудига фақат нафсини жойлаб
юрса,
нега уни пушмон тилмасин?!

Ёнлик ҳам,
муносабат ҳам,
вақт ҳам қандайин
илинжнинг изидан тинмай чопадир...
...Шамолга соврилар ҳаммаси тайин...
...Одамга керакдир ягона кадр...

* * *

...Сени кутаман.
Интиқ.
Вақт
вақтин чўзаверар.
Канглумни чертиб тиқ-тиқ,
боғичин узаверар.

Атрофга термилиб зор,
нигоҳимни қадайман.
Дийдорингга интизор
бўлиб қолдим,
атай ман.

Хаёлимнинг ортидан
кетмоқдаман эргашиб.
Бахоналар картида
хижрон турар чирмашиб.

Сенинг хушрўй чиройинг
яқинроқ этиб хиёл,
олиб келади,

ройин
дариф тутмаган хаёл...

Sport – mening hayotim

Айнан, ёшлик чогида спорт билан дўст бўлиш боланинг ўз устида ишлаши, характерининг тобланиши, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик ва мардлик хусусиятларининг шаклланиши, ғалабага интилиши, таъбир жоиз бўлса, аввало, ўз устида ғалаба қозониши, бир сўз билан айтганда, мустақкам иродага эга бўлиши учун пухта замин яратади.

Ислон Каримов



Болалигимда онам кечалари “Алпомиш” достони, “Кенжа ботир” эртақларини ифтихор билан айтиб берардилар. Юрагимда пайдо бўлган ажиб туйғулар алламаҳалгача уйку бермасди. Алплар, ботирлар яшаб ўтган юртнинг боласи эканимдан мағрурланардим. Хаёлимда от ўйнатиб бир зумда Муродтепага етиб бориб, Алпомиш қўлида тутган сеҳрли камонни мен ҳам қўлларимга олгандай фахрланардим. Ана шундай туйғулар, эзгу ниятлар билан улғайдик.

Биз – бахти бутун ёшлармиз. Ота-боболаримиз орзу қилган кунларга етдик. Аждодлар дуоси, орзутилаклари бизга ҳамоҳанг бўлган ҳолда нузли келажак сари дадил одимлаб бормоқдамиз.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жисмоний тарбия ва спортнинг миллий хусусиятларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга эътибор кучайди. Республикамиз Президенти маърифат ва маънавиятни ривожлантириш билан бир қаторда, ёш авлоднинг жисмоний тарбиясига, спорт ишларини янада юксалтиришга катта ғамхўрлик қилмоқда. Шундай экан, соғлом муҳитни яратишда, ёш авлодни ҳар томонлама жисмонан ва маънан камол топтиришда, спорт ҳал қилувчи кучга эга. Инсон ҳаётида спортнинг ўрни бекиёс. Жисмоний машқлар инсон саломатлигини мустақкамлаш билан бир қаторда, унинг баркамолликка эришишида кўмаклашадиган воситадир. Бунинг исботини биргина ўз ҳаётим мисолида кўра оламан. Спортга эндигина қадам қўйган кезларимни эсласам,

юрагим ўша шўх-шодон болаликнинг беғубор пайтларини қўмсайди.

Ўшанда 4-синфда ўқирдим. Дадам акам иккимизнинг қўлимиздан етаклаганича қаёққадир олиб борарди. Юзларида майин табассум ва кўтаринки руҳда бизга шундай дедилар: “Ўғил бола соғлом бўлиши, биринчи галда ўзини-ўзи ҳимоя қила олиши керак. Билагиде кучи бор йигитлар кўп бўлса, юрт тинч, фаровон бўлади”. Ўша кунда дадам бизни спорт усталари қўлига топширди. Спортнинг “қўл жанги” турида машғулотларга қатнаша бошладик. Бу беғубор пайтларимиз бошқа болаларникидан тубдан фарқ қиларди. Чунки биз фақат ота-онамизнинг тарбияси, узлуксиз назорати, бизга юклайдиган вазифаларидан ташқари, мураббий сабоқлари, талабларига ҳам бирдек жавоб беришимиз шарт эди. Ака-ука бир-биримизга суяниб улғаярдик. Жисмоний машқларни бажараётган пайтимизда акам мени жангга чорлаб қолса аяб ўтирмасдим, ростакамига голиблик учун курашардим. Аммо акам мағлуб бўлиб қолган пайтида ҳам менга озор беришни истамасди. Ўша дамларда оиламиз тинч, ҳаммамиз бахтиёр эдик. Барча ўз севган иши билан машғул бўлганидан гинакудурат, ортикча дилга ғашлик соладиган ҳолатлар бўлмасди. Бундай шодмон кунларимиз эртакка айланди. 1998 йилнинг 23 феввалида акам бу дунёни бевакт тарк этди. Қувноқ болалигимга қаттиқ зарба тушгандек эди гўё. Энди спорт зали томон ёлғиз ўзим борардим. Мен учун бу жуда катта йўқотиш эди. Менга уйда, кўчада, ҳар кадамимда ҳамқору ҳамфикр бўлган Шарофиддин акамдан айрилганим руҳимга қаттиқ таъсир этди. Ўшанда тўққиз ёшда эдим. Бир кунда, бир лаҳзада ўн ёшга улғайиб қолгандек эдим. Спортда ҳам оксай бошладим. Тенгқурларим ўртасида ўтказилган худудий мусобақаларда мағлубиятга учрадим. Ўшандай кунларнинг бирида бошимни эгиб, рингни тарк этдим. Бир четда менга маъюс нигоҳини тикиб турган отамнинг ёнига боришни ўзимга эп кўрмай, ташқарига отилдим. Бола кўнглим иккинчи бор дарз кетган эди. Энди спортга қадам босишдан кўркиб, бешиб қолгандим. Бунинг сезган отам ёнларига чакириб, мендан қаттиқ ранжиганликларини, дилларига озор берганимни айтдилар ва қўл силтаб ўрниларидан туриб: “Аканг бундай қилмаган бўларди”, деганларича

узоклашдилар. Ўша тун мижа қокмадим. Отамнинг сўзларини ва ўз хатомни ўзимча таҳлил қилиб кўрдим, аммо бола кўнглим билан бир тўхтамга келишим қийин кечди. Эрталабки нонушта пайти уларнинг ёнларига бориб ўтирдим. Қовоғини уйиб ўтирган отам менга қараб:

– Ўғлим сен энди спортга қатнашмагин, – дедилар.

Юзимга тарсаки тушгандек сесканиб кетдим. Ўша пайтда акам билан ўйнаб-кулиб машғулотга бориб келадиган йўллар, кадрдон мураббий, дўстларим кўз ўнгимдан ўтди. Энг кадрли нарсасини биров тортиб олган боладек додлаб юбордим.

– Мен спорт залига бораман! – дедим. Отамнинг юзларига майин табассум югурди. Худди акам иккимизни етаклаб кетаётган пайтдагидек юзларида қувонч балқиди. Бу хуш кайфият менинг руҳимни чулғади, қанот бахш этди. Кечки пайт машғулотга отланаётиб акамнинг белбоғларини секингина сумкамга солдим. Уйдан чиқиб кетаётган вақтимда отамнинг:

– Энди сен фақат ўзинг учун эмас, балки акамнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун ҳам белингни маҳкам боғлашинг керак, – деган сўзлари оқ фотиҳа бўлиб юрагимга мухрланди. Зиммамга масъулият юклади. Шу кундан бошлаб спорт менинг ҳаётимга айланди.

2004 йилда “Қўл жанги” спорти бўйича бўлиб ўтган “Амир Темур” турнирида фахрли биринчи ўринни эгалладим. Бу спортда эришган дастлабки йирик ғалабам эди. Қийинчилик билан эришилган ғалаба тотли бўлади, деган иборага яна бир бор амин бўлдим. Балки биринчи жангимдаёқ мағлубиятни татиб кўрганам, бугунда эришаётган ғалабаларимнинг кадрига етишимга сабоқ вазифасини ўтаган бўлса, ажабмас. Ўтган уч йилда бир қатор ютуқларни қўлга киритдим. 2010 йилда муддатли ҳарбий хизматни ўташ пайтида Осиё чемпионати ғолиби, 2011 йилда миллий спортимиз бўлмиш “Ўзбек жанг санъати” тури бўйича Кореянинг Чонг-Жу шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида олтин медаль соҳиб бўлдим.

Мусобақага боришимиздан олдин устозимиз ўзбек жанг санъати миллий спорти асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Пўлат Усмонов:

– Бугун қатта мусобақага йўл олар экансизлар, асосий мақсад, албатта, ғалаба қозониш, аммо бунинг бошқа тарафлари ҳам бор. Сизлар турли миллат вакиллари билан юзма-юз бўласиз. Уларнинг кўнглида Ўзбекистон ҳақида, ўзбек деган мард, танти миллат ҳақида тасаввур уйғотасизлар, – дея миллий кийимларимизни қўлимизга тутқазди. Мусобақадан сўнг чексиз қувонч билан уйга қайтдим ва ота-онам, дўстларим, қариндош-уруғларим, маҳалла-кўй, энг асосийси, ватаним олдида юзим ёруғ, бахтли эдим.

Аммо яна бир бор тақдир синовига дуч келдим. Қанча мушт, қанча зарба бўлса кўтара оладиган вужудим яна бир қайғуни кўтара олмай абгор бўлди. 2011 йил эндигина 16 ёшни қоралаган укам Шаҳзодбек автохалокатга учраб вафот этди. Акам ва укам менинг икки қанотим эди. Қанотларим қайрилди. Мен оилада



ёлғиз фарзандга айланиб қолдим. Отамни юпатсам, онам йиғларди, онамни юпатсам, ўз юрагимдан қон томчиларди. Кўлимга қалам олиб, изтиробларимни шеърга солдим. Бироқ тирналган яранинг ўрни битай демасди. Кундан-кунга жигарларим соғинчи юрагимни ўртарди. Ўша кезларда менга яна спорт таянч бўлди.

2012 йил Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этдим. Устозим Пўлат Усмоновнинг кўрсатмалари ва қўллаб-қувватлашлари ёрдамида яна бир бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритдим. Уйимга қайтганимда онам:

– Ўғлим, сенга ҳеч нима қилмадимми? Омон келганингга шукур, – дея кўзёши қилганларида кўксимда чўғдек ёниб турган олтин медаль тоғдек ўғилларидан айрилган муштипар онажоним учун таскин бўлди-йўқми, билмадим, бироқ онамга ёлғизгина мен кераклигимни тушуниб етдим...

Бугунги кунда мен спортнинг “Ўзбек жанг санъати” тури бўйича, бир неча бор Ўзбекистон ва икки қарра Жаҳон чемпионлигини қўлга киритганман. Бугун элликдан ортиқ шогирдларим бор, 2-даражали қора белбоғ соҳибиман. Тошкент давлат педагогика университети талабасиман. Келажакда Ватаним байроғининг янада юксалишига ҳисса қўшиш умидим бор.

Шухрат СУВОНОВ

Ijodimga ilhom — oilam

Радиодан таралаётган кўшикка бор вужуди билан жўр бўлаётган Муҳаммадjon онасининг овозини эшитмади. Мухтабархон ая ичкарига аста мўралади, берилиб куйлаётган ўғлига меҳр билан термилиб колди. Армонга дўнган орзуларини хаёллаб кўзларига ёш қалқди. “Отанг сени кўрганида эди...”

Муҳаммадjon Қозоқбоев Наманган вилоятининг Учкўрғон шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Кўчқорбой ака билан Мухтабархон ая тўрт нафар фарзандини билимли, соғлом, меҳнатсевар этиб вояга етказиш учун ҳаракат қилишар, маҳаллада бу ахил оилага кўпчилиكنинг ҳаваси келарди. Аммо кутилмаганда оилабоши Кўчқорбой ака вафот этди. Мухтабархон ая ҳам ота, ҳам она бўлиб фарзандларини ўзи тарбиялади.

Ана шундай оғир дамда унга нонвой синглиси Ачахон

ёрдамга келди. У санъатни севар, нон ёпаётиб ўзи ёктирган кўшикларни баралла хиргойи қилар, кичкина Муҳаммадjon эса холасига жўр бўлганича, чиройли ёпилган нонларни айтилган манзилга чопқиллаб етказиб бериб келарди...

Мақтабни битиргач, Муҳаммадjon бир неча йил туман маданият уйида услубчи бўлиб ишлади, тажриба орттирди. Кейинчалик, санъатга бўлган меҳри боис Тошкентда мусикали драма театри актёрлиги йўналиши бўйича таҳсил олди.

Муҳаммадjon ака мумтоз ғазалларни маромига етказиб ўқийди. Бадиий ўқишни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Зухра Олимжоновадан ўрганган бўлса, санъатдан сабоқни устози Жўрамирза Маҳкамовдан олган. Талабалик даврида Муҳаммадjon

устозлари Ўзбекистон халқ артистлари Асад Азимов ва Шоҳида Маъзумовалардан нафақат мутахассислик сирларини, балки ҳаёт сабоқларини ҳам олди. У талабалик йилларида курсдоши Салимахон Мадисаева билан биргаликда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шеъри билан айтиладиган “Муҳаббатнинг машъали” деб номланган дуэтни ижро этдилар. Ўша даврларда бу кўшик ёшлар орасида жуда машхур бўлган.

Радиога Ўзбекистон халқ артистлари Дони Зокиров, бастакор Ориф Қосимов, Шариф Рамазонов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари Ҳабибулло Раҳимов ва Мустафо Бафоевлар билан ҳамкорликда Муҳаммадjon Қозоқбоев самарали ижод қилди, кўплаб дилтортар кўшиклар яратди, мухлислар орттирди. Бугунги кунда унинг ўттизга яқин кўшиклари Ўзбекистон радиосининг “Олтин фонди”дан жой олган.

Муҳаммадjon Қозоқбоев 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида номоддий маданий мерос бўлимида фаолият олиб боради. У қатор йиллардан бери марказ томонидан республика микёсида ташкил этиладиган кўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазмалар ҳамда бошқа турли оммавий-маданий тадбирларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Муҳаммадjon ака юртимизнинг миллий маданияти, унутилаёзган қадриятларини ёшлар онгига сингдириш, фольклор-этнографик жамоаларнинг томоша

дастурларини тайёрлашда жонбозлик кўрсатиб келади. Мустақиллик йилларининг илк кунларидан то ҳозирга қадар ҳар йили ўтказиладиган Наврўз ва Мустақиллик байрамларига ҳудудлардан жалб этиладиган бадиий ҳаваскорлик ҳамда фольклор-этнографик жамоаларнинг фаол иштирокини таъминлашда амалий-услубий ёрдамларини аямайди.

Муҳаммадjon Қозоқбоевнинг кўплаб мақола ва очерклари матбуотда эълон қилинган. У киши бугунги кунда ҳам ижодда давом этиб, бадиий ҳаваскорлик жамоалари учун турли методик кўлланмалар, сценарийлар, тавсияномалар тайёрлаш, жойлардаги маданий-маърифий муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Муҳаммадjon ака умр йўлдоши Мавлуда опа билан Ўзбекистон радиосида танишиб, турмуш қуришган. Опа мусикали ёзувлар таҳририятида ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият кўрсатди. Улар тўрт нафар ўғилни вояга етказишди. Эл қатори орзу-ҳаваслар кўриб, тўйлар қилишди. Келин-қизлар келиб, хонадонлари янада обод бўлди. Ўғиллар ҳам отаси изидан бориб, санъат йўлини танлашган. Бугун барча ҳавас қилса арзигудек мустаҳкам оилани маҳалладошлар чин маънода санъаткорлар оиласи деб аташади.

Муҳаббат ХЎЖАМУРОДОВА

О‘ qishloqdoshlarim! O‘, qoyalari qaldiroqday qarsillab yotgan tog‘lar ulusi – elim! Qiziq fe‘l-xo‘ylaring bor: qayerda buloq bo‘lsa, o‘sha buloq qoshiga qator-qator imoratlar solasan – dang‘illama uylar, tag-tugli zinxonalar qurasan, dov-daraxtlar ekasan, bog‘-u rog‘lar yaratasan! Mangu yashaydigandek. Buloqning qurib qolishini xayolingga keltirmaysan...

O‘, qishloqdoshlarim! O‘, qoyalari qaldiroqday qarsillab yotgan tog‘lar ulusi – elim! Bu ishingdan bir ma‘ni-ma‘no tuydi yuragim. Aytaymi? Aytaman, lekin senga emas... Insoniyatga aytaman!

Insoniyat, Atom xavfi, vahimasi bilan nafas olayotgan Insoniyat! Aqli ulug‘ Insoniyat! Parokanda bo‘lib yashashga, tuturuqsiz, omonat hayot kechirishga haqqing yo‘q sening! Bilayapsanmi, haqqing yo‘q! O‘zingga ishon. Hayotga ishon! Buloqlar boshiga dang‘illama uylar qur, mol-hollaringga tag-tugli og‘illar sol, dov-daraxtlar ek – bog‘u rog‘lar yarat! Mening katta qishloqdoshlarim – Insoniyat!

Hisor tog‘larida yuksak, metin qoyalarni mardona yorib tug‘dona daraxti o‘sadi. U juda mag‘rur. Saratonning o‘t tilli kuydirgisiga-yu qahratonning qattol zahar-zaqqumiga dosh berguvchi yashil saltanat. Men unga hayrat bilan tikilaman. Va asl manba — suv yo‘liga yetib borgan ildizlari haqida o‘ylayman. Ildizlar... Xuddi shunday, Insonni yuksakliklarga ko‘targuvchi asl Kuch, bu sezgi-sezimdir.

Azim SUYUN

(“Nevaralarim uchun hikoyalar” turkumidan)

QISHLOQDOSHLARIM

Erta ketgan bolalik

Ҳикоя

Оксоч Бахмалнинг ўрмонзор қоялари оша тонг кўтарилиб келади.

Азим чўққиларнинг қумушранг қорларидан эн олиб шошаётган жилға устида парланаётган буг мисоли субҳидамнинг рутубати ўйнайди. Ойнадай тиник сув остида турфа қайроқ тошлар марварид каби жимир-жимир қилади. Терисига сиғмай бораётган қулундай ўйноқлаб бораётган жилға тонг ҳали етмаган қишлоқларнинг пастқам уйларини оралаб кетади.

Қунчиқардан кўтарилиб келаётган офтобнинг аввалига қонлаш пушти пардаси – шафак бўй кўрсатади. У қуёшнинг юзини тўсиб олган улкан елкан янглиғ тобора баландлай бошлайди. Сўнгра тоғ биқинидаги овуллар тепасида муаллақ туриб қолгандай бўлади.

Бироз ўтиб, энишга – Музбел устига қараб юради.

Шу кез Туятортар каналининг лойка ҳавзаларида, серқамиш ботқоқларда, бепоён майсазорлардаги маржон доналаридай йилтиллаб турган шудринглар юзида тонгнинг акси кўринади. Қибладан эсаётган заиф шабада бўйдор қамишзорлар, қўзи териси янглиғ ялтироқ бўз далалар, қўшқулоқ ялпизлар хидини омихта қилиб, Қоровултепа томонга эниб кетади. Қунботардаги зовурлар устида буг кўтарилиб, ўша томондан лойшанг тупроқ ва сизот сувнинг ёқимсиз ҳиди таралади.

Энг четдаги ҳовлида аввалига чирок ёнди, бироз ўтиб тандирхона томондаги мўри муккасидан кетган кашандадай тутун пуфлай бошлади.

– Эгнингга қалинроқ нарса ташлаб ол, – уйнинг тўридаги тахта супада ётган ўртабўй киши хотинига юзланди. – Ёзда ёпинчиғингни ташлама, қишда ўзинг биласан, деган.

– Қачон уйғониб улгурдингиз, ташқарилайсизми? – аёл хира чирокнинг милтироқ нурлари остида супа томонга тикилиб қаради. – Чўчимадингизми?

Эркак индамади. Оғир хўрсинди, сўнг хўрсиниғини пардалагандай томоқ кириб қўйди. Фонуснинг тутун қоплаб бораётган шишасидан таралаётган заиф нур, юзидаги қиёфани хотинидан яшираётгандек эди гўё. Атрофда икки кишининг қадам товушлари, енгил ва илдам ҳаракатлари сезиларди. Аёли тун ярмида туриб ҳамир қорди, ошхонадан талқон олиб келиб, ҳафсала билан шакар аралаштирди. Сариёғни жизиллатиб қуйдириб, идишга лим қилиб тўлдирди. Эски рўмолни ювиб, печга сершоҳ бута қадаб устига ташлаб қўйди. Қўшни хонадан қатир-қутир қилиб бир нималар кўтариб келди: лаш-лушлар орасида ярим сават тухум, бир белбоғ қурут бор эди. Иккита елим идишга қулт-қултлатиб сут қуйди. Кадидаги қатикдан ёғоч қошиқ билан бидонга сола бошлади. Тахмондаги сандикдан ёнғоқ-майиз олиб тугунча қилди.

Бу пайтда кенжа ўғли унинг атрофида қуймаланиб юрар, онасининг айтганларини оғзидан чиқмасданок дўндираар ва яна имога илҳақ қараб турар эди. Унинг бундан биргина илинжи, тўғрироғи, мақсади бор эди: шаҳарга борса, акасини кўриб, бирга ўқишхоналарини томоша қилса. Киноларда кўргани – трамвай, троллейбусларга ўтириб, шаҳарнинг сершовкин кўчаларида сайр этса. Шинам магазинларни, турли-туман егуликлар сотаётган тамаддиҳоналарни айланса. Онаси билан ўша серхашам

ошхоналардан бирида, хў-ў бирда отаси билан мол бозорида егани – “жиз-жиз” кабобдан икки сихни пакқос туширса. Кейин... Онаси эркалатиб бирор сайрбоғда улкан арғамчига миндирса. Арғамчи уни бутун шаҳар осмони бўйлаб гижинглаган кулундай олиб кочса-ю яна ерга – ойисининг олдига тушириб кетса. Сўнг бир неча кун кўрганларини гапириб юрса... Айникса, Нормат қизилнинг ўғли Ашур гушпага кўшиб-чатиб, унинг сўлагини оқизиб айтиб берган бўларди.

Тандирхонада жизиллаб доғланаётган ёғнинг ачимсик хиди дераза тиркишларидан уйга ҳам сузиб кирди. Аёл илкис туриб, ўғлига: “Синглингни уйғотворма”, – деди-да, эшик ортига отилди. Эри билдики, хотини тўнғичига атаб қатлама ковураяпти. “Шунча юкни қандай ортмоқлаб юраркан, шаҳар узок, йўли оғир. Аёл – заифа, деймиз, йўқ, булар заифа эмас, булар – тош. Ҳа, тошодам! Уларнинг жонини Яратган баланд, ҳайбатли қоялардан олган. Бўлмаса, манов майда тирикчиликка одамнинг танаси дош бера оладими?! Йўқ, ҳар қандай жони бор ҳам чарчайди, кучдан қолади, силласи кетади, оқибатда ўлади. Ишқилиб, мен оёққа тургунимча, шу бечора оёқда ўлиб қолмаса бўлгани!” деб ўйлади. Аёл қоракозоннинг бошида туриб тўрт қатлама, саккизта қуймоқни қоғириб олди. Ортиб қолган икки мушт зувалани қайта ийлаб, эри билан қизига чўзма килиб берди. Шаҳарга олиб кетадиган нарсаларини тахт килиб, ўғлини ёнига имлади:

– Секин бор-да, Ҳурмат янгандан плашини олиб кел. – Ўғлининг қулоғига билинар-билимас шивирлади. – Ойимга бериб тураман деган экансиз де.

Бола ҳовли этагидаги ғовдан ошиб, ўқдай учиб кетди. Ўзи айвондаги эски чопонни кийиб, молларнинг эрталабки ем-емишини саранжомлагани оғил томонга бурилиди.

Осмон пуштиранг чойшабга бурканган. Далаларда муздай, лекин ёқимли шабада кезади. Тонг билан бирга уйғониб келаётган кишлок, кўкка бўй чўзган тераклар, яйдоқ узумзорлар субҳидамнинг намхуш ҳавосида ял-ял ёниб, ўзларини кўз-кўз этаётгандек. Музбелнинг қуймичидан – Ғўбдинтоғнинг лалми адирларидан бошланган эгри-бугри асфальтда инқиллаб келаётган трактор кишлок ўртасида тўхтади. Ҳайдовчи ёнида ўтирган миқти йигит эшикдан ярим танасини чиқариб кичқирди:

– Ғўбдинтовнинг Шувоклисидаги Эрмамат хожиникига жанозага!..

Хитоб бир неча бор такрорланди. Йўл четдаги ҳовлидан чиқиб келган мўйсафид айтувчига юзланди:

– Ҳожи қазо қилдими?

– Йўғ-э, бобо бардам.

– Унда кими қайтиш қилди?

– Россиядами, қозоқдами ишлаб юргич ўғли бор эди.

Оқшом тобутда келибди бечора.

– Бола-бақраси бормиди?

– Икки қиз, бир ўғил кўрган эди. – Чамбаракни ушлаб турган ҳайдовчи кўшилди суҳбатга. – Болалари чиркираб қолди-да...

Мўйсафид юзига фотиҳа тортиди. Узок Ғўбдинтоғнинг қорайиб турган қояларига кўз тикиб ўзига ўзи гапиргандай деди:

– Ҳожи билан кампирини юк босибди-да...

Бу пайтда трактор жойидан қўзғалиб, қўшни кишлок томон кетарди.

– Э-э, сен Тангирбойнинг ўғлимасман? – мўйсафид

ўз хаёллари билан овора бўлиб яқинлашиб қолган йўловчиларни энди пайқади. – Қани йўл бўлсин, тўй боланинг тойчоғидай дикирлаб турибсан?

– Шаҳарга! – деди бола ўзида йўқ хурсанд бўлиб. – Акамни кўргани кетаяпмиз!

– Ассалому алайкум, – боланинг онаси ер сузиб, ийманибгина сўрашди. – Холам яхши юрибдими?

– Яхшимисан, келин, Тангирбой юриб қолдими? – чол астойдил ҳол сўрай кетди. Бу орада чўнтагидан бир сиқим пул олиб, боланинг қўлига тутқазди. – Ол, ўғлим! Шаҳарга борсанг, бирор нима олиб ейсан.

Она-бола ҳарчанд қаршилиқ қилишмасин, мўйсафид пулни боланинг чўнтагига тикиб қўйди.

Дунёнинг турли хил юк-анжомини ортмоқлаган эски автобус бекатга гидириб ўтди-ю, улар бир амаллаб илиниб олишди.

Улов бамисоли тошбақадай судралиб, орадан тўрт ош пиширим вақт ўтганда шаҳарга етиб келди. Она-бола поёнсиз денгизда туриб қолган кема каби бир муддат қай тарафга йўл солишни билмай гарангсиб қолишди. Сўнг аёл сўраб-сўраб тўнғичининг ўқишига борадиган бекатни топди. Икковлашиб чизиллаб юрадиган троллейбусда чайкала-чайкала кўркам манзараларга сукланиб қараб кетаверди...

– Акангни кўргани келдинг-ку? – таъкидлади ойиси. – Нега кирмайсан, кўрқасанми ё?

Онаси ҳарчанд ундамасин, бола ичкарига кирмади. Эгнини қисиб, интернет панжарасининг орқасига, овлоқроқ жойга тисланди. У одамлардан – панжарали дарвозадан кириб-чиқаётганлардан ўзини олиб қочди. Хушбичим либосли ота-оналар етовидидаги болалар бежирим ва оҳорли кийим-бошда енгил қадам ташлар, ҳар бир одими жуссасига мос тушар эди. Назарида, барча унга тикилиб қараётгандек, айникса, шалвираб турган чопони-ю яширишга уринаётган оёқларига тикилиб-тикилиб ўтаётгандек эди... Бола янаям нарироққа, бекат ёнидаги қийшиқ ўриндикка ўтириб, тўннинг бари билан оёқларини ёпиб олди. Бироз индамай турди. Сўнг ковоқлари учиб, юзини бошқа томонга бурди... Аёл ўғлининг шўрхак кўзёшларга беланган юзидан ўпди. Шунда боланинг оёғидаги уникқан, ямалаверганидан супрадек рангсизланиб кетган, бир товонининг ярми синик бутинкасига кўзи тушди. Чориғи учидидаги ямоқ увада бўлиб, пайпоғининг яшилтоб тури сўриниб турарди. Она-бола бир зум жим туриб қолди.

Бола номус қилди. Учи тешиқ чориғ-у бекасам тўн билан акасининг даврасига кириб борса, кўрганлар куладигандек эди. Уни бир марта, оғасини минг марта мазах қиладигандек эди. Ана шу хаёл уни бекатнинг қийшиқ ўриндигига михлаб қўйди...

– Майли, – деди онаси кенжатоининг елкасига қоқиб. – Сен шу ерда ўтира тур, мен акангни олиб чиқаман.

Ичи улкан хирмонжойни эслатадиган мажлислар залида турли-туман: оқ-қора, қалта-узун, соқолдору кўса, пасту баланд кишилар юқоридаги минбарга чиқадиган нотик ва интернетнинг серсалобат раҳбарларини кутишади. Сал кечикиброк қутилган бўйинбоғлилар жамоаси виқор билан кириб келади. Шунинг билан интернетнинг сарҳисоби бошланади. Яъни хулқи яхшилар жарангдор овозда, бебошроқлари таънаомуз товушда – ўқувчиларнинг




Кураш – ота-боболаримиздан мерос азалий қадриятларимиздан. Мустақиллик йилларида миллий курашимиз халқаро спорт тури мақомига эга бўлди. Бугунги кунда жаҳоннинг 120 дан зиёд давлатида миллий спортиимиз – кураш бўйича федерациялар фаолият кўрсатади.

Шу йилнинг 16-21 май кунлари Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган ат-Термизий хотирасига бағишланган XI халқаро турнир ҳам Курашнинг жаҳоний ривожига муҳим ўрин тутади.

Дунёнинг ўттиздан зиёд давлатидан юз нафарга яқин иштирокчилар қатнашган мазкур турнирнинг барча вазн тоифасидаги беллашувларида ўзбекистонлик Самижон Убайдуллаев, Бекзод Тўрабоев, Шароф Лутфуллаев каби спортчиларимиз Эрон, Ҳиндистон, Россия, Туркия, Корея, ЖАР, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Греция каби қатор давлатларнинг спортчиларини мағлуб этиб, ғолиблик шохсупасига кўтарилганлиги барчамизни чексиз фахрлантирди.

Энг муҳими, ҳалоллик, адолат тамойилларига асосланган кураш беллашувларида тобланган, чиниққан ёшларимиз келажакда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатларида, олимпиада ўйинларида ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишлари учун замин тайёрланди.



исмлари тилга олинади. Зал ана шу рўйхатга интик бўлиб минбарга тикилиб ўтирганда, орка томондаги баҳайбат эшик ғийк этиб очилди. Ўтирганлар бараварига ўгирилиб қаради. Юзлаб нигоҳлардан қизариб кетган аёл қимтинибгина бурчакдаги ўриндиққа жойлашди. Мажлис ўз ишида давом этди. Турли жойдан келган ота-оналар бирма-бир туриб ё таъна-дашномдан бошлари хам бўлар ёхуд мактовлардан терисига сиғмай қувонарди.

– Худоёр Тангирбой ўғли, 8-синфдан! – деди мажлисбошилар каторида ўтирган биргина аёл гулдуррак овозда. Товушидан залнинг қайсидир бурчаклари садо бергандай бўлди. – Борми шу ўқувчимизнинг ота-оналари?!

Она фарзандининг отини эшитиб, бир қалқиб тушди. Нима киларини билмай ўтираверди. Таъкид иккинчи бор янграгач:

– Мен... – деди оёқлари қалтираб, гапининг давомини бўғзига ютиб.

– Сизмисиз?! Нега бунча қунишасиз, бошингизни кўтариб келмайсизми?! – таъкидлади ҳалиги аёл. – Мана шундай фарзандни ўстирганингиз учун сиздай онага таъзим қилиш керак-ку! – у ҳар бир сўзни чертиб-чертиб, дона-дона қилиб гапирарди. – Бу ёққа чиқинг!

Даврадаги ўқитувчилар Худоёр Тангирбой ўғли интернатнинг олди ўқувчиси эканлигини, шахмат бўйича биринчиликни олиб, янаям катта мусобақаларга тайёргарлик кўраётганини, фан олимпиадасида тарих бўйича мутлақ ғолиб бўлиб, келаси йилги саралаш учун имтиёзни қўлга киритганлигини бири олиб-бири қўйиб тавсиф этдилар. Она бамисоли ўзга бир дунёда, ёруғ ва гўзал маъвода учиб юргандай хис қилди ўзини. Муаллим сўз орасида унга қараб қўйса “раҳмат”лаб турди. Гоҳи-гоҳида атрофини ажин босиб келаётган қовоқларидаги томчини паналатиб артиб қўяр эди.

Шу тариха йиғин тугади. Она муаллимлар билан суҳбатлашар экан, ич-ичидан йиғлар, бу йиғи қайдан пайдо бўлаётганлигини, нима учун кўзёш қилаётганлигининг охирига етмасди.

– Раҳмат сенга, болам! – деди тўнғичи билан ёлғиз қолар экан. – Умринг узоқ, манглайинг оқ бўлсин. Тортган азобларимга, қилган меҳнатларимга розиман...

Сўнги жумласи ичида қолиб кетди. Юзини артиб, ўғлининг ортидан ётоқжойга қараб юрди. Бу орада гуруҳ раҳбари ва тарбиячилар бошлиғи нималаргадир пул йиғилаётганлигини маълум қилди. Она тугунчаги орасидаги қўлрўмол – ҳамёнини олиб, ҳисоб-китоб қилди. Қишлоқдан елкалаб келган бисотини ўғлига топширди. Кун пешинга оққанда:

– Э-э, эсим курсин. Дарвозада уканг бор эди! – деди.

– Нега олиб кирмадингиз? – таажжубланди тўнғичи.

Она индамади, ўзини зўрлаб қулимсиради. Ичидагини айта олмади. Гап ўзанини бошқа ёққа бурди. Иккови қадамларини тезлатиб, дарвоза томон юрдилар.

Ака-ука ийманиб кўришишди. Улар сўзсиз йиғладилар. Улар ўз дарди билан йиғладилар: ака соғинчдан, узоқ айрилиқдан эзилиб йиғлади. Ука ундан-да баттар аҳволда... йиғлади. Кўзёшлар даҳанлардан оқиб тушди. Анча вақт бир-бирини кўксига босиб турди. Бир-бирларининг бўйниларидан хидлаб, вужудлари сел бўлиб турди. Она уларни кўриб яна йиғлади.

Худоёр меҳмонларни кузатди. Уйда қолган дадаси ва кўнғирқосоч сингласини хотирлаб, дилгир хаёллар билан

ётоқхона томонга бурилди...

Она-бола яна йўлга равона бўлди. Бу сафар хам автобус тикилинч эди. Базўр ҳаво оладиган улов ичида паттачи ўз ишига киришиб кетди:

– Қани сизники? – деди одамлар орасидан сидрилиб она ва боланинг пешонасига етиб келганда.

– Қишлоққа етиб олайлик, уйдан бераман, – деди аёл уялиб. – Харажатимиз кўпайиб кетди-да, ука.

– Сарфга яраша олиб чиқмайсизми? – йигит зарда қилди. – Ҳовлингизга кириб чиққунингизча кутиб ўтираманми?

– Манг! – болакай чўнтагидан бир қисм пул чиқарди. – Онамга бақирманг!

Паттачи шитирлатиб санай бошлади. Тўнғиллаб-тўнғиллаб зиёдини қайтиб берди. Она бепоев адириларга кўз тикиб, беихтиёр сахарда учратган Мелибой қассобни эслади. Сўнг уйи, қизчаси, тўшакдан туролмайдиған чўлок эри ва сувсиз қолиб мўнграб ётган моллари хаёлидан бир-бир ўта бошлади.

– Човгумни узат! – бемор хозиргина кириб келган хотинига имлади. Болалари теварагини қуршаб олди. – Танглайим қакраб кетди...

Хотини унинг тўшанчисини тузатар экан, шаҳарни, айниқса, тўнғичининг таъриф тавсифини ҳикоя қила кетди. Эри аёлининг чехрасига боқиб, тобора ёшариб, ситамларини унутаётгандек енгиллашиб борар, ондасонда қулимсираб қўярди...

Хотини деразаларни ланг очди, сўнг оғилга, қаровсиз қолган молларидан хабар олгани жўнади.

Кенжаси тўрвадан сингласига иккита ширага ботирилган олма, дадасига бир сиқим қовурилган ерёнғок чиқариб берди. Бир жуфт оппоқ сахарни нонни дастурхонга ўраб қўйди. Отаси нам тортиб қолган ерёнғокни қафтларига олиб, бир-бир чақа бошлади. Аввал уч-тўрт донасини кизига улашди. Кейин ўғлига. Улар чуғур-чуғур билан ерёнғокни тугатишди.

Ўғли бугун негадир бошқачароқ, улғайиб қолгандек эди, назарида. У раҳмдил, оғир, ўйчан эди. Илгарилари бунақа сахийлиги йўқ, тажанғроқ, эркатойроқ эди.

Кун шомдан ўтиб, туң кирар паллада Музбел устига қопқора булутлар уюри ўрмалаб кела бошлади. Қаерларгадир ерни гурсиллатиб, самони қарсиллатиб чакмоқ чакди. Бутун қишлоқ, далалар, боғлар, ҳайбатли Туятортар бўйлари бир лаҳза ёришиб кетди. Орқасидан шатирлатиб ёмғир қуя бошлади. Борган сари зўрайиб, том устидаги шиферларни, дарахтларнинг яланғоч баданини, заранг тупроқни тапирлатиб ура бошлади.

Бу – баҳорнинг биринчи ёмғири, одамлар узоқ кутган хут ёғини эди.

Бола ховли ўртасидаги қизғишбадан ўрикни савалаётган ёмғирни кузатиб, томчилар товушига қулоқ солиб турди. Сўнг Нормат қизилнинг ўғли Ашур гуппига нималар дейишини ўйлади... Чувалган хаёлларининг ниҳоясига етолмади. “Ёлғон айтмайман, – деди ўзига-ўзи қатъий қилиб. – Ашурнинг акамга ўхшаган акаси йўқ. У барибир шаҳарга бора олмайди!”. Охири гап ўзига нашъа қилди. Негадир енгиллашгандай бўлди.

Ёмғир табиатни ғалвирдек элаб, хамирдек ийлаб ёғар, замин қаъридан ажиб бўй кўтарилиб, жамики тириклик баҳордек очилиб борар эди.

ayish

Ўзбек адабиётида ҳикоянинг кўплаб гўзал намуналари яратилган. Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қаҳҳорлардан то Шукур Холмирзаев, Назар Эшонкул, Абдукаюм Йўлдошгача бўлган ижодкорларимиз ёзган ҳикоялар бунинг яхши исботи. Демак, ўзбек китобхонида ҳикоя жанрида ёзилган асарларни теран тушуниш кўникмаси мавжуд. Бу жанрда ижод қилишга жазм этган ёзувчи мана шу ҳолатни ҳис қилган ҳолда, масъулиятни сезиб кўлига қалам олиши керак.

Бугунги ёш ижодкорларимиз томонидан ёзилаётган ҳикоялар бу борада адабиётимизга истиснододли ёшлар кириб келаётгани, келажакда адабиётимиз бадиий жиҳатдан бақувват ҳикоялар билан бойишига умидлантиради.

Шулардан бири Анвар Сууюновнинг “Эрта кетган болалик” ҳикояси ўқувчида илиқ таассурот уйғотади. Ҳикояда касал ётган ота (Тангирбой), бутун рўзғор ташвиши гарданида бўлган она, умуман, қишлоқдаги бир оиланинг кунлардан биридаги ҳаёти тасвирланган. Тонг саҳардан туриб, шаҳарда – интернатда ўқийдиган ўглини кўришга отланаётган онанинг куйинишлари ва бутун истаги онаси билан бирга шаҳарга бориб, акасини ва шаҳарни кўриш бўлган боланинг хатти-ҳаракатлари, шаҳарга бориб-қайтиш ҳикоянинг асосий воқеаларидир. Ҳикоя тонг отиш онлари тасвири билан бошланади: “Ўқтам чўққиларнинг кумушранг қорларидан эн олиб шошаётган жилға устида парланаётган буғ мисоли субҳидамнинг рутубати ўйнайди. Ойнадай тиниқ сув остида турфа хил кайроқ тошлар марварид каби жимир-жимир қилади. Териси шахдига торлик қилаётган қулундай ўйноқлаб бораётган жилға тонг муфассал етиб келмаган қишлоқларнинг пасткам уйларини оралаб кетади.

Кунчиқардан кўтарилиб келаётган офтобнинг аввалига қонталаш пушти пардаси – шафақ бўй кўрсатади. У қуёшнинг юзини тўсиб олган улкан елкан янглиг тобора баландлай бошлади. Сўнгра тоғ биқинидаги овуллар тепасида муаллақ туриб қолгандай бўлади”. Ёзувчи жилғани жонлантириб, “қишлоқларнинг пасткам уйларини оралаб кетади” деган нафис тасвир орқали китобхоннинг ҳикоя ичида “оралаб” кетишини ният қилгандек. “Эрта кетган болалик” бола нигоҳи орқали дунёни идрок этиш, кичик воқеа-ҳодисалар таъсирида бола руҳий дунёсидаги эврилишлар ҳақидаги, бир кичик оиладаги турмуш тарзини ич-ичдан бадиий бўёқларда тасвирлаган асардир. Адабиётда шахс руҳияти орқали атроф-муҳитга муносабат кўрсатиш ёки теградаги инсонлар туфайли адабий қаҳрамон қалбида кечадиган жараёнларни тасвирлаш мураккаб вазифа ҳисобланиб, ёзувчидан ўта синчковликни талаб этади. Ҳикояда акани кўришга бориш тарадлуди, касал ота, жонсарак, куйинчак она – буларнинг барчаси ҳаётини лаҳзаларни тасвирлаш билан баробар, асосан боланинг руҳий оламидаги кечинмаларни ёркинроқ тасвирлашга бўйсундирилган. Яъни ҳикоянинг бош мақсади адабий қаҳрамон – боланинг болалиги эрта кетишига туртки бўлиши

учун кўпроқ хизмат қилган. Ҳикоянинг муваффақиятли томонларидан бири – ёзувчи қаҳрамонлари характерини муаллиф сўзларида эмас, уларнинг хатти-ҳаракатини кўрсатиш, сўзларида ифодалаш орқали чизади: “Бу пайтда кенжа ўғли унинг атрофида куймаланиб юрар, онасининг оғзидан чиққан ҳар қандай буйрукни сўзсиз дўндираар ва яна имога илҳақ қараб турар эди. Унинг бундан биргина илинжи, тўғрироғи, мақсади бор эди: шаҳарга борса, акасини кўриб, бирга ўқишхоналарини томоша қилса. Киноларда кўрган – трамвай, троллейбусларга ўтириб, шаҳарнинг сершовқин кўчаларида сайр этса. Шинам магазинларни, турли-туман егуликларни сотаётган тамаддиҳоналарни айланса. Ва ойиси билан ўша серҳашам ошхоналардан бирида, ҳў-ў бирда отаси билан мол бозорида егани – “жиз-жиз” кабобдан икки сихни пакқос туширса. Кейин... онаси эрқалатиб бирор сайрбоғда улкан арғамчига миндирса. Арғамчи уни бутун шаҳар осмони бўйлаб гижинглаган қулундай олиб қочса-ю яна ерга – ойисининг олдига тушириб кетса. Сўнг, бир неча кун кўрганларини гапириб юрса... Айниқса, Нормат қизилнинг ўғли Ашур гуппига кўшиб-чатиб, унинг сўлагини оқизиб айтиб берган бўларди”. Боланинг руҳий ҳолати, яъни унинг бутун орзуси шаҳар кўришга интиқлиги ва ўртоғи Ашур гуппига мақтаниш орзуси жуда тиниқ, ўқувчини ишонтирадиган даражада тасвирланган.

Ёзувчи бир қаҳрамон ҳақидаги фикрларини иккинчисининг тилидан берар экан, ҳикояда, биринчидан, муаллиф сўзи кам бўлишига эришса, иккинчидан, қаҳрамон руҳий ҳолатини ҳам тасвирлаб беради. Касал ётган ота: “Шунча юкни қандай ортмоқлаб юраркан, шаҳар узок, йўли оғир. Аёл – заифа, деймиз, йўқ, булар заифа эмас, булар – тош. Ҳа, тошодам! Уларнинг жонини Яратган баланд ва ҳайбатли қоялардан олган. Бўлмаса манов майда тирикчиликка одамнинг танаси дош бера оладими?! Йўқ, ҳар қандай жони бор ҳам чарчайди, қучдан қолади, силласи кетади ва оқибатда ўлади. Ишқилиб, мен оёққа тургунимча, шу бечора оёқда ўлиб қолмаса бўлгани!” деб ўйлади”.

Ҳикояда ёзувчи бир-икки жумлада, ишора орқали теран мазмун бериб кетадиган ўринлар анчагина: “– Секин бор-да, Ҳурмат янгангдан плашини олиб кел. – Ўғлининг қулоғига билинар-билинемас шивирлади. – Онамга бериб тураман деган экансиз де”. Оиладаги моддий аҳволга изох керакмас.

Ёки, “Россиядами, козокдами ишлаб юргич ўғли бор эди. Кеча кечаси тобутда келибди бечора”. “Ҳожи билан кампирини юк босибди-да...” Айниқса, авто уловда пул етмай қолганида, паттачининг онасига кўполлашганини кўрган бола, шаҳарга келаётганида бирор нима олиб ейсан деб мўйсафид берган пулни чиқариб: “Манг – болакай бир қисм пул чиқарди. – Онамга ўдағайламанг!”. Ҳеч қандай ифода сиғмайдиган, изох талаб қилмайдиган мана шундай тасвирлар ҳикояни янада ўқишли қилган. Ҳикоя тилининг ширалилиги, ёзувчидаги теран маъно англата олиш салоҳиятини кўрсатади. Ёзувчи шева сўзларидан ҳам унумли фойдаланади: “гидириб ўтди-ю”, “Музбелнинг куймичидан”, “чориғи”, “эниш”, “кунишасиз”, “тўшанчисини”, “ташқарилайсизми”... Бу каби сўзларда миллий оҳанг қучли бўлиши билан, ҳолат тасвирида ҳам аниқликни оширади. Асарда она, кенжа ўғил, мўйсафид дея аталиб, айрим қаҳрамонларга исм берилмаслигида ҳам рамзий ишора бор.


Аммо ҳикояда ўйлаб кўриш лозим бўлган жихатлар-да учрайди. Масалан: “ўрмонзор қоялари”, “тонг муфассал етиб келмаган”. Ёки “териси шахдига торлик килаётган” жумлалари ўрнига “терисига сиғмаётгандек” сингари халк тилига сингиб кетган жумлалар бор. “Заиф шабада”, “заиф нур” каби бир сўзнинг такрорий сифат тарзда қўлланиши ҳам ўқувчининг гашига тегади. Бир ҳолатдаги жуда таъсирли чизгида “ийғлоқи” сўзи такрорлангани учун матннинг охори хиралашгандек бўлиб қолган: “Ака-ука ийманиб кўришишди. Улар сўзсиз йиғладилар. Улар ўз дарди билан йиғладилар: Ака соғинчдан, узок айрилиқдан эзилиб йиғлади. Ука унданда баттар аҳволда... йиғлади. Кўзёшлар даҳанлардан оқиб тушди. Анча вақт бир-бирини кўксига босиб турди. Бир-бирларининг бўйниларидан ҳидлаб, вужудлари сел бўлиб турди. Она уларни кўриб яна йиғлади.” Анвар Суюновда бу вазиятни сўзлар такрорини кам ишлатган ҳолда ҳам тасвирлаш имкони бор эди.

Нега катта ўғил интернатда ўқийди? Қишлоқда мактаб йўқми? Кенжа ўғилнинг акасини кўргани келганда уст-бошидан уялиб интернатга кирмаслиги ўқувчини унча ишонтирмайди. Ёзувчи бир-икки жумлада, шунингдек, савол уйғотадиган ўринларга имкон қолдирмаслиги мумкин эди. Ҳикоя “Эрта кетган болалик” деб номланган. Аммо ҳикоя тугалланмаси ўқирманда асар қахрамони болалигини эрта йўқотганлиги тўлиқ очилмагандек таассурот уйғотади. Асар сўнгида боланинг Нормат қизилининг ўғли Ашур гуппига нималар дейишини ўйлаши ва бу ўйловлардан сўнг енгил бўлиши унинг болалик оламида эканлигининг далилидир ва бу табиий ҳам: “Ёлғон айтмайман, – деди ўзига-ўзи, қатъийлашиб, – Ашурнинг акамга ўхшаган акаси йўқ. У, барибир, шаҳарга бора олмайди!” Охири қароридан наъша қилди. Негадир енгиллашгандай бўлди”.

Ҳикоя “Ёмғир табиатни ғалвирдек элаб, хамирдек ийлаб ёғар, замин қаъридан ажиб бўй кўтарилиб, жамики тириклик баҳордек очилиб борар эди” жумлалари билан кўтаринки руҳда яқунлангани ўқувчи кўнглида нурли из қолдиради.

Ҳаёт ташвишлари шафқатсиз. У энг гўзал болалик даврини, завқини ҳам юлиб олиб кетиши мумкин. Ҳикоядан чиқадиган яна бир хулоса, биз фарзандларимизнинг болалиги бевақт “ўғирланмаслигига” масъулмиз. Шуни унутмайлик. Анвар Суюновнинг мана шу ҳикояси келажакда янада яхшироқ асарлар ёзиши умидини тугдиради. Муаллиф сўзларни чертиб-чертиб ишлатишини, бадиий юки залворли бўлган ҳикоялар ёзишини, ижоднинг машаққатли йўлида қоқилмаслигини истаб қоламиз.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎЗМУ доценти



Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган гиламлар коллекциясида тўрт юзга яқин турдаги гилам ва гилам буюмлари мавжуд. Ушбу гиламлар турли худудлар ва давлатларда тўқилган бўлиб, улар ўзининг гўзаллиги, жозибадорлиги, нафислиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Тўпламдаги гиламлар ўзининг тури, рангинлиги, композицияси, накши ва сюжети, ҳажми, тўқилиш техникаси жихатидан ўзига хослик касб этади. Айниқса, гиламлар бадиийлиги, ўзининг кўп турли геометрик шакллари, ёрқин ранглар уйғунлиги билан ҳайратга солади.

Гиламлар коллекциясидаги намуналар функционал вазифасига кўра кўплаб турларга мансуб. Жумладан, тўрвалар, эшикка осиладиган “энгси” деб аталадиган пардалар, чувал (деворга осиладиган копча), дул тўрва, палослар, хуржунлар, ўтовни ўраш учун капундук ёки шарпиклар, жулхирс гиламлари, кирғиз гиламлари, форс гиламлари (Табриз, Қорабоғ, Ферхан), афғон гиламлари (холча), намоз гиламчалари, оқ юп, ўтов гиламчалари кабилар мавжуд.

Музейнинг гиламлар коллекцияси жуда бой, бироқ улар ҳали тўла тадқиқ этилмаган. Ушбу мақола воситасида Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган гиламлар коллекциясини ўрганиб чиқиб, илмий изланиш натижаларини ёритиш кўзланган.

Гилам тўқиш анъаналари узок ўтмишга бориб тақалишини ёзма тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди. Археологик изланишлар натижасида Хоразмда милоддан аввалги I минг йилликка мансуб гиламлар топилганлиги бунга ёрқин мисолдир. Қадимда Уссури, Бобил, Мидияда кейинроқ эса Эрон, Ҳиндистонда тўқилган рангли гиламлар машҳур бўлган.

VII аср қўлёмалари гилам тўқиш санъати ўша даврларда Марказий Осиёда ҳам мукаммал ривожланганлигини кўрсатади. V–VII асрларда худудимиздаги кўпгина шаҳарлардан Хитойга ҳар хил гиламлар олиб кетилган. Масалан, Қаршида тўқилган гиламлар Хитойга олиб бориб сотилган. Айрим манбаларда кўрсатилишича, VII—XI асрларда Хоразм ҳамда Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги баъзи шаҳарларда кичик-кичик жойнамоз гиламчалар тўқилиб, чет мамлакатларга сотилган.

Амалий безак санъати ҳамда халқ хунармандчилигининг анъанавий турларидан бири гиламдўзлик санъати бўлиб, унинг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Гилам тўқиш қадимдан чорвачилик билан боғлиқ бўлиб, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Амударё этагида яшовчи халқлар орасида кенг тарқалган. Типик гиламнинг асосий қисми раппорт ва симметрик композицияли бўлиб, диагональ гуллар билан тўлдирилган ҳамда хошия билан чегараланган. Уларда ислимий, гирих, зооморф, турли нарсалар тасвири ва уруғ тамғаси акс эттирилган. Безакларида йўлбарс ва туя излари, олма гули, узум новдаси, туя бўйни, қалқон, шифобахш ўсимликлар, айниқса, шох тасвиридан кенг қўлланилган.

Gilamlar qatidagi jilo



Гиламдаги нақшнинг гўзал бўлиши ва ранглarning уйғунлиги унинг бадий қимматини оширган. Гилам ва палосларнинг полихром гаммасида қизил ранг устунлик қилган. Қўлда гилам тўкиш ниҳоятда сермашаққат иш бўлиб, тўқувчидан кунт, дид ва маҳорат талаб қилади. Масалан, яхши мутахассис 1 метр квадрат патли гилам тўкиш учун 20–25 кун сарф қилади. Шунинг учун ҳам қўлда тўқилган гиламлар киммат баҳоланади. Қўлда тўқилган гилам пати, нақш мужассамлиги асос ипига рангли иплардан тугиб бандлар ҳосил қилиб яратилади, тугун учи матонинг юза томонига чиқарилиб текис қирқилади, ҳар бир қатордан кейин арқоқ или ўтказиб, махсус темир тароқда уриб аввалгисига маҳкамланади.

Ўзбек анъанавий гиламдўзлиги асосан икки катта мактабга бўлинади: Самарқанд ва Андижон мактаблари. Самарқанд мактабига хос гиламлар асосан қўй ва тую юнги, XX асрнинг бошларига келиб, эчки жунидан ҳам тўқилган. Самарқандда гиламлар патли ва патсизга бўлинган. Патли гиламлар икки турли: узун патли ва қисқа патли. Узун патли, катта бўлмаган ҳажмдаги тўшаладиган гиламлар жулхирс (айик жуни) ёки жулварак деб аталган. Жулхирс гиламининг узунлиги 2-2,5 метр, эни 1-1,4 метр бўлиб, сандал ёки ўчоқ ёнига солиб қўйилган. Жулхирс гиламлари 2, 3, 4 узун бўлақлардан ташкил топади ва бу бўлақлар узунасига ёнма-ён қўйиб тикилади. Патлар узунлиги бу чокларни бекитиб туради. Асосан икки ўртадаги қисмининг эни ярим метрдан, икки ён томондагиси 0,2 метрдан бўлади. Бу бўлақлар эни тўкиш мосламасининг энига боғлиқ.

Катта хоналар ва ҳовлиларда ўтириш учун турли техникада патсиз палослар – шолча, кохма кабилар тўқилган. Палос техникасида тўй маросимида уй беаги сифатида қиз гилам, кийим-кечакларни солиш учун алоҳида тўрт бурчакли бўғча ёки бўғжомга тўқилган.

Катта буюм қоп, яъни напрамачнинг фақат юз томони тўқилган, иккинчи тарафига қалин жун мато ишлатилган. Напрамач сирти узунлиги 0,9–1,2 метр, кенлиги 0,35–0,4 метр. Палос техникасида тўқилган буюмлар тўрва ва йўл сумкаси – хуржунлар ҳисобланади.

Андижон гиламлари Фарғона водийси аҳолиси орасида тайёрланган. Бу гиламларнинг пати қисқа, қалин ва майин бўлган. XIX аср иккинчи ярмидаги хидирша гилами типик намунасида маҳаллий бадий коидаларнинг ўзига хослиги кўринади. Гилам марказий қисмини такрорланувчи “х”симон мотив эгаллаб, хошия беагида “тўлқин” мотиви асосий ҳисобланади. Композиция чизиги ва ритми аниқ бўлиб, содда ҳамда кўркем. Аср

ўрталарида гилам буюмлари мустаҳкам, духобасифат бўлган.

Ўзбек халқининг анъанавий гиламдўзлиги жуда хилма-хил ва ўзига хосдир. Улар кўплаб аждодлар меҳнати ва ижодий изланишлари маҳсулидир. Қўлда тўқилган гиламлар ҳам бадий, ҳам тўкилиш жиҳатидан мукамал бўлган.

Ўзбек гиламлари 3 хил бўлади: қисқа патли, узун патли-жулхирс ва палослар. Қисқа патли гиламлар ўзининг беақ хусусиятлари, рангларининг теранлиги, тўқималарининг содда ва мукамаллигига кўра юксак баҳоланади. Узун патли жулхирс гиламлари композиция ва нақшининг содаллиги билан монументал, ранг-баранглиги билан таъсирчандир. Палослар ҳам турли усулда тўқилиб, номи ҳам шундан келиб чиққан. Масалан, гажара усулида тўқилган палос техникаси бир оз мураккаброк бўлиб, нозик нақшлар фақат ўнгида тўқилади. Палос тесқариси эса асос ипдан ташкил топади. Терма палослари техникаси мураккаб бўлиб, унинг ўзига хослиги турли рангдаги асос ипнинг қўлланилишидадир. Масалан, асос ипнинг пастки йўлида қизил, тепа йўлида эса кўк иплар ишлатилади. Бу техникадан хуржун, ўтов шолчалари, девор қоплари тўқишда фойдаланилади.

Айни пайтда музейларимиз фондларида сақланаётган кўплаб гилам буюмлари ханузгача намойиш этилмай келинапти. Холбуки, фондларда сақланаётган гиламлар бир бирдан гўзал, нафис, ранг-баранг, ўзига хос нақшлари, композицияси, колорити, услуби билан ҳайратга солади. Улар орасида нодир намуна бўлиб қолган гилам буюмлари ҳам мавжуд. Бугунги кунда замонавий технологиялар ёрдамида гиламдўзлик бўйича бутунлай янги экспозициялар яратилиб, улар кенг томошабинлар эътиборига ҳавола қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Зулфия АБЗАМОВА

Qo'choh ortidagi o'rmon

Шеър кўнгилнинг энг нозик, ранг-баранг қирраларини акс эттиради. Ички кечинмалари, ҳиссиётларини тасвирлаш орқали шоир айна пайт-да ўзи яшаётган даврга, муҳитга муносабат ҳам билдиради; маънавий-ижтимоий қарашилари, эстетик идеалларини ифодалайди. Кўҳна оламдаги гўзаллик ва қабоҳатларни, одамнинг оламдан-да кенгроқ қалбидаги ниҳояси йўқ хилма-хил туйғуларни илғаб, образлар воситасида таъсирли тасвирлайди.

Ўқувчини оҳанрабодек ўзига тортувчи сеҳрли сатрларни яратишда шоир хаёлнинг чексиз оламида парвоз қилиб, рамзий ва мажозий образлардан кенг фойдаланади. Қалбидаги хис-хаяжонлар, ғалаёнлар шиддатини акс эттириш учун оҳорли, тафтли сўзларни кидиради.

Бугун болалар шеърляти ҳам миллий адабиётимизнинг бир қисми сифатида ўз ривожланиш босқичларини ўтаётди. Болаларнинг туйғу ва тасаввур олами табиатан кучли бўлиб, улар хатто реал оламни ҳам хаёлот орқали идрок қилишни хуш кўрадилар. Шеърлят болаларнинг тафаккур ҳамда сезимларига бирварақайига таъсир кўрсатиб, ҳиссий интеллектини кўзғаш хусусиятига эга. Шу сабабли болаларга мўлжалланган шеърлар табиий, самимий, ақлу ҳиссиётга ижобий таъсир кўрсатадиган йўсинда ёзилиши мақсадга мувофиқ. Боланинг беғубор маънавий олами зўракилик ва ёлғонни қабул қила олмайди.

Она алласи боланинг қулоғига қаттиқ сингган илк шеърдир. У сохталикдан холи, юракдан чиққани учун ҳамгўдақ қулоғига кўрғошиндай қуйилади. Шу маънода болалар шеърляти маънавий шаклланиш борасидаги миссиясини она алласи шаклида бажара бошлаган, дейиш мумкин. Демак, кичик ёшдаги болақайларга мўлжалланган шеърларда аллага яқинлик, маъно ҳамда оҳангдаги уйғунликнинг бўлиши мақсадга мувофиқ. Шоир Ҳамза Имонбердиевнинг «Алла» шеърдаги:

*Она бургут аллалар:
– Ухла, кучга тўлиб ўс.
Ушбу тоғ-тош, осмоннинг,
Ҳукмдори бўлиб ўс.
Писандэтмай хатарни,
Шунданми палапони,
Тушларида чарх урар
Тўлдириб кенг самони*

Мисраларидаги эзгу ният; юртни таниш, унга эгалик қилиб, кўриқлайдиган одам бўлишга ундаш ўзбек оналарига хос фазилат эканлигини ифода этади. Бу жиҳат олдинги тўртликлардаги тасвирларга қарши қўйилгани учун ҳам тарбиявий таъсири кучлироқ бўлади. Негаки, олдинги бандларда қўй кўзисини бўри билан, чумчуқ палапонини илон билан, одам боласини олабўжи билан кўрkitиб алла айтгани тасвирланади. Бешиқдалигидаёқ кўрқокликка ўргатилган яратикдан ўзини таниган, ўз сўзи ва тутумига эга бўлган зот чикмаслиги шу қаршилантириш воситасида жонли акс эттирилган.

Шоирнинг «Кўполлик» шеърда тўпорилиги учун акасида дакки еган уканинг хаёлан ўлгиси келгани, акаси ёнига келгач эса:

*Акам бўлса ёнимда қувнаб кетаман,
Шундай акам турганда ўлиб нетаман*

тарзидаги хулосага келиши, миллатимизга хос бўлган ака-укалар орасидаги чўнг меҳр ўйинқароқ ва эрка бола назари орқали нозик тасвирланган.

Улғая боргани сари бола ўзи яшаётган олам тўғрисида кўпроқ билишга қизикади, атрофдагилар билан муносабатга киришгани сайин ҳаёт тўғрисида тасаввур ҳосил қила боради. Тўғри-нотўғри, яхши-ёмон тарзида баҳо бериш қобилияти шаклланади. Айна шу вақтда боланинг маънавий тарбиясида шеърлар ўзига хос аҳамият касб этади.

Серкирра иждокор Кавсар Турдиева шеърларида ҳам ватан мадҳи алоҳида ўрин тутлади. Шоира одам юрт бағридагина ўзлигини намоён этиши мумкинлигини таъсирли ифодалайди:

*Ғунча бўлиб, кучга тўлиб,
Ўйнаб, қулиб яша.
Билим сари, илм сари
Интил, бўл ташна.*

*Юртнинг шонин, порлоқ номин,
Тугдек баланд илгин.
Жаҳон билсин, ҳавас қилсин,
Доим шуни билгин.*

Ижодий мақсадини: «...ёзган шеърларимни ўқиганда болалар катта, катталар эса бола бўлиб қолсин», дея белгиллаган шоир Рустам Назарнинг сиртдан қараганда юксак маънавий сифатларга алоқаси йўқдай кўринадиган шеърлари болаларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга кодирлиги билан эътиборни тортади. Шоир ҳеч қачон болаларга насихат қилмайди, ақл ўргатмайди. Турли вазиятдаги кишиларни кўрсатиш орқали шеърхонда муносабат уйғотади. Бу эса боланинг баҳоловчи назар билан қарай бошлашига туртки беради. Чунончи, шоир «Ўримдан сўнг» шеърда ғаллазордаги оғир ишдан чарчаган бўлишига қарамай эшакка минишдан уялган ака ва акасининг бу қилиғини тушунмай, эшакда маза қилиб уйига қайтган ука тимсолларини:

*Қуёш ботди, шом чўкиб,
Бугдойзорни яширди.
– Уйга қайтинг! – деб отам
Бизни қистаб, шоширди.
Эшакда ким жўнайди?
Бўлса ҳамки у ювош –
Нимагадир хўмрайиб,
Акам кескин тортди бош.
Дарров миндим эшакка,
Йўқ уятли бир жойи*

тарзида балоғат давридаги болаларнинг руҳият белгиларини маҳорат билан кўрсатиб беради.

Болалар шоири Дилшод Ражабнинг ҳазил йўсинида ёзилгандай туюлувчи «Тандирга ҳазил» шеърдан фикрчан ўқувчи теран маъно топади:

*Сен борки, нон – ҳаёт бор,
Жон тандиржон, ўлма сан.
Лекин, лекин бунчалар
Оғзи очиқ бўлмасанг!
Қуйиб-пишиб қоласан,
Қийнаб ширин жонингни,
Узиб олиб кетарлар,
Оғзингдаги нонингни.*

Юзаки ёндашилса, тандирнинг мактовига бағишлангандай таассурот қолдирадиган ушбу сатрлар замирига теранроқ назар ташлаган бола шоир учун тандирнинг мактовидан кўра, ўқувчини пишқипухта бўлишга, ўз ҳақини ажрата билишга, анқайиб, оғзидагисини олдирмасликка ундаш муҳимроқ эканини англаб етади. Албатта, бунинг учун шеърхон ўйлай билиши, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев таъбири билан айтганда, «Оғочнинг ортидаги ўрмонни кўра олиши» лозим бўлади.

Дилшод Ражабнинг «Қўйнинг шикоят» шеърда ҳам ҳазиломуз тасвир орқали зўравонлик, инсофсизлик, сурлик ва ўзбекка кўпроқ хос бўлган тортинчоқлик, андиша, сабрлиликнинг қарама-қаршилиги каби ўта жиддий маънавий-хаётий муаммо акс этади:

*Эчкивой билан яшаш
Рости тегди жонимга.
Бигиздай шохларини
Ниқтаб турар қорнимга.
Ем-хашакнинг яхишин
Танлаб, аввал у ейди.
Бир гап десам, шохларин
Ўқталиб: Жим бўл, – дейди.
Не ҳам дердим, кўнаман
Бунча золим бўлмаса?!
Қийин экан яшамок –
Бошда шохинг бўлмаса!*

Бу мисраларда ёвузликни жазосиз қолдириш, унга қаршилиқ кўрсатмаслик ёмонликнинг кўпайишига сабаб бўлиши, шу боис қўй сингари шикоят қилибгина қолмай, зўравон ва инсофсиз кўшнига қаршилиқ қилиш кераклиги очиқ айтилмай туриб билдирилганки, айна ҳол ёшларда курашчанлик, ташаббус, изчиллик сингари маънавий сифатларни қарор топдиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Хуллас, ўз миллий заминида мунтазам ривожланиб бораётган ўзбек болалар шеърляти бугунги баркамол авлоднинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва эстетик жиҳатдан етук шахслар бўлиб шаклланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Келажак яратувчиларини тарбиялашга йўналтирилган миллий болалар шеърлятининг парвози янада баланд бўлғай!

Элмурод НАСРУЛЛАЕВ

TUSMOL BILAN YASHASH FOJIASI



Драматург Абдукаххор Иброҳимовнинг “Сенга бир гап айтаман” деб номланган пьесаси Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасига қўйилибди, деган гапни эшитиб театрга бордим. Бунинг иккита сабаби бор эди: биринчидан, Абдукаххор Иброҳимов машҳур драматург; иккинчидан, унинг пьесалари хамиша жиддий ва долзарб му-

аммоларни кўтариб чиқади, трагикомедиялари, сатирик пьесалари рамзлари, ташбеҳлари, тилининг ўткирлиги билан Салтиков-Шчедрин ва Гоголь асарларига тенглаша олади.

Театр олдидаги афишаларга олазарак қарадим, “Сенга бир гап айтаман” деган афиша йўқ. Бу спектакль бугун ўйналармикин, деган хавотир билан театр биносига кирдим. Эшик олдида турадиган мутасаддилар спектакль ўйналишини айтишгач, хотиржам бўлиб залга йўналдим. Дарвоқе, мутасаддилардан спектаклнинг дастурини сўрадим. Улар елка қисшди. Дастур йўқ экан. Театршуносликда “Театр гардеробдан бошланади” деган гап бор. Бу гапга қўшилган ҳолда, театр афишадан ҳам бошланади, дегим келади. Афишага эш тариқада дастур бўлса, томошабин артистларни таниб, спектаклни мириқиб кўриши мумкин. Хуллас, афиша ва дастур театрнинг безаги, шу безакдан уни маҳрум қилмаслигимиз керак.

“Сенга бир гап айтаман” спектакли бошланди. Парда очилишидан олдин мусика янгради. Ҳаммаси одатдагидек: Европадан кўчирилган мусикий асарлар – даранг-дурунг. Қулокни батанг битиради. Ахир, биз қачонгача ўз миллий спектаклларимиз учун европалик бастакорларнинг

оҳангларини кўчирашимиз? Ўзимизда мусикий оҳанглар камми ёки йўқми? Бухоронинг шашмакоми, Хоразмнинг олти яримта мақоми қани? Ёки ўзбек бастакорлари спектакллар учун янги мусикий асар яратиб бера олмайдиларми? Кейинчалик пьеса матнини ўқиганимда муаллифнинг қай ҳолатда қандай мусика чалинишини кўрсатиб қўйганлигини билдим. Масалан, гап тўй, никоҳ ҳақида кетганда “Ёр-ёр” кўшиғи айтилади ёки шу куй чалинади, фожиа рўй берганда “Қаро кўзим” куйи эшитилади ва ҳоказо.

Аммо спектакль бошлангач, мусиканинг даранг-дурунги қулоғимга кирмай қолди. Пьесанинг “Сенга бир гап айтаман” (асарнинг асли номи “Тусмол”) деган номидан чўчиганим беҳуда экан. Асар мазмуни томошабинларни ром қилиб қўйди. Чунки спектакль саҳналарда такрорланаверадиган ишқий можоролар ёки миш-мишлар эмас, балки батамом янги, айна пайтда одамларнинг дилидаги муаммо устида эди.

Асарнинг асосий персонажларидан бири 33 ёшли Эргаш деган йигит бутун спектакль давомида бир оғиз ҳам гапирмайди, тўғриси, уни гапиртиришмайди. Унинг юрагида қандайдир бир дард бор, шуни одамларга айтгиси келади. Аммо ҳеч ким унинг оғиз очишига йўл қўймайди. Биринчи навбатда, хотини Хулкар унга бобиллаб гап бермайди, сўнг онаси – мансаб учун ҳамма нарсани, ҳатто оиласини ҳам қурбон қилишга тайёр бўлган Чўлпон Пўлатовна унинг гапирлигини тақиқлайди, чунки келини Хулкар уни олдиндан оғохлантирган, эрининг маъшуқа топиб олгани ҳақидаги гумонларини айтган. Чўлпон Пўлатовна эса келини тарафда. Чунки Хулкар анча нуфузли Отажон Тошевичнинг кизи, боз устига спектакль давомида фақат номигина зикр этиладиган Келган Ўтаровичнинг фотиҳаси билан Хулкар Чўлпон Пўлатовна хонадонига келин бўлиб тушган. Бунда Эргашнинг хоҳиши инобатга олинмаган. Бошқалар ҳам

шундай; кайнотаси Отажон, кайнонаси Ойбиби, Эргаш ишлайдиган банкдан қарз ундиришга умидвор бўлган амалчи Йўлдош, унинг хотини, фақат янги кўйлагини кўз-кўз қиладиган Қундуз, биринчи муҳаббати бўлган Ойсулув, ўзининг чизган суратларига махлиё бўлган ва жазманига андармон укаси Бобош, хотинига, тўғрироғи, хотинининг мансабига кул бўлиб қолган Қўлдош ҳам уни эшитишмайди. Санаб ўтилган персонажларнинг ҳар бири ўз фикрини маъқуллайди, ўз манфаати йўлидаги мақсадларини амалга ошириш учун интилади. Эргаш фақат хотинига, бошқаларга ҳам “Сизга бир гап айтаман”, дейди, холос. Ҳеч ким унинг гапини эшитишни истамагандан кейин биринчи муҳаббати Ойсулувга боради, ажабки, у ҳам ўз дардини, янги ёзган романини дастурхон қилиб, Эргашнинг гапини тингламайди.

Хотинининг бобиллайверганидан зериккан Эргаш эшикни қаттиқ ёпиб



уйдан чиқиб кетгач, Хулкар безовталаниб, Эргашни излаб кайнонасининг уйига келади. Ана шу сахнадан ҳаммада тусмол ва шубҳа пайдо бўлади: “Эргаш нима демокчи эди?” Уни Отажон Тошевич ҳам, Йўлдош ҳам, Ойбибию Йўлдошнинг хотини Қундуз ҳам Хулкар, Чўлпоной Пўлатовна ва Қўлдош бошчилигида излашга тушадилар. Хулкар эримнинг қаердалигини биламан, деб уларни Ойсулувнинг уйига олиб боради ва номуста чидолмаган Эргаш билан Ойсулув ўзларини баланд каватдан ташлаб халок бўладилар.

Асар воқеасининг қисқача мазмуни шундан иборат. Муаллиф ана шу воқеа атрофига ҳар бир персонажни аниқ вазифа билан жалб эта олган. Пьесадаги бирон персонаж ортиқча эмас. Сиртдан қараганда, пьесадаги Бобош, Қундуз, Ойнури персонажлари ортиқчадек туйилади. Аммо асар мағзи чакилса,

буткул бошқа манзара пайдо бўлар экан. Бобош бўлиб ўтган воқеаларга баҳо берадиган, ўз қобиғида туриб атрофидагилардан жирканадиган шахс сифатида намоён бўлади. Ойнури тараллабедод ҳаётнинг капалаги, гарчи асосий персонажларга қовушмаса ҳам, енгил ҳаётга ўч одамларнинг кифасини очишда зарур образ вазифасини ўтайди. Қундуз эса Ойнурининг бошқа шакли; у ҳаётни янги кўйлақ кийишдан иборат деб билади ва эрининг хиёнатини битта янги кўйлақ билан кечириб юборадиган худбин ва енгилтаклардан, ўз қадрини топтатадиган аёллардан. Кўринадики, пьесадаги ҳар бир персонаж муаллиф мақсади ва ғоясига хизмат қилади.

Назаримда, муаллиф Эргашни бош қаҳрамон сифатида танламаган. Эргаш муаллифнинг мақсади учун восита, холос. Хўш, унда асарнинг бош қаҳрамони ким? Ахир, асар бош қаҳрамонсиз бўлмайди, деган коида

ҳам бор адабиётда. Лекин ажабки, асарнинг бош қаҳрамони йўқ. Шунга қайд этиш керакки, Абдуқаҳҳор Иброҳимов дунёга машҳур драматурглар ва театршунослардан таълим олган, демакки, жаҳон адабиётининг энг сара ютуқлари билан таниш. Жаҳон драматургиясининг тажрибасида эса бош қаҳрамонсиз асарлар талайгина топилади. Гоголнинг “Ревизор” пьесасида Хлестаков бош қаҳрамон эмас, бунга гоголшунослар таъкидлашган, асарнинг бош қаҳрамони – ваҳима. Абдуқаҳҳор Иброҳимов пьесасидаги бош қаҳрамон – тобелик. Ана шу “бош қаҳрамон”нинг хусусиятларини очиш учун муаллиф тобеликнинг сабаблари бўлган шухратпарастлик, мансабпарастлик, лоқайдлик, нодонлик сингари унсурларни сатира остига олади.

Шухратпарастлик ва тақабурлик, мансабпарастлик ва нодонлик Чўлпон Пўлатовна образида мужасамлашган кўринади. Унинг кўзини шухратпарастликнинг чанги босган, нодонлигининг чеки йўқ. У мансабга тобелик


орқали эришган, қандайдир Келган Ўтаровичнинг соясида юради ва унинг айтгани Чўлпон Пўлатовна учун қонун. Ана шу қонунга кўра яшайди, оилани тебратади, таниш-билишлар



орттиради, ўглини ҳам севмаганига уйлантиради.

Отажон Тошевич ва Йўлдош лоқайд одамлар. Улар учун машаққат биринчи ўринда, бузуклик ва фосиқлик уларнинг шиори бўлиб қолган, дунёни сув босса ҳам маишатларини бузмайдилар. Ҳар икковининг мана шу жиҳатларини муаллиф бирдан эмас, такомилда кўрсатиб боради. Эргаш йўқолган, уни излаб топиш керак, ҳар иккови ҳам Чўлпон ва Қўлдошларга ҳамроҳ, аммо улар Эргашни топишни ўйламайдилар, балки аёллар ғийбати билан банд бўладилар. Пьеса сўнгида ҳам барча қайғуда, аммо Отажон Тошевич қандайдир бир аёлнинг нима дегани билан қизиқиб, Йўлдошдан бунга сўрайди.

Муаллиф ўз асарига мансабпарастлик, шухратпарастлик, лоқайдлик



ва нодонликнинг қурбонларини ҳам кўрсатади, булар Эргаш ва Хулкар. Ҳар икки ёш Келган Ўтарович деганнинг фотиҳаси ва даъвати билан оила қуришган. Бу оила бахтиёрми, йўқми – чўлпонлар, отажонлар, йўлдошларнинг иши йўқ. Келган Ўтарович олдида хиҷолат бўлмасалар бас. Бу тобеликнинг ва ундан келиб чиқадиган бошқа иллатларнинг аниқ кўринишларидир. Асардан шундай таассурот ҳосил бўладики, чўлпонлар, отажонлар, йўлдошлар бир кунда неча марта нафас олишларигача Келган Ўтаровичдан сўрасалар керак.

Қўлдош, Ойбиби тобеликдан қулликка ўтиб бўлган шахслардир. Айниқса, Қўлдош бу жиҳатдан характерли ва муаллиф асардан кутган мақсадларини, яъни жамиятда иллат ҳисобланадиган тобеликнинг жирканч оқибатларини шу образ орқали ифода этгандек туйилади. У Чўлпоннинг эри, аммо айни пайтда қули ҳамдир. Унинг оилада ўрни йўқ. Чўлпон руҳсат бергандагина гапиреди, бўлмаса йўқ. Аммо асар финалида Қўлдош “пақ” этиб ёрилади. Эргашнинг баланд қаватдан ўзини ташлаб ҳалок бўлганини билган Хулкар телбаланади, у атрофда турган ҳаммани қотилга чиқаради. Шунда Қўлдош шундай дейди:

“Йўқ, қотил – мен! Мен табиат ҳукмига қарши борибман, эркак қилиб яратилган бўлсам-да; оилада аёл бўлиб қолибман. Менинг фожиам ана шунда. Эрига эр деб қарамаган, эри билан фахрланмаган хотин ҳам бахтсиздир... Эргашим! Ўғлим! Нуридийдам, болам! Ҳатто ўз уйида ҳам оилавий ҳокимиятини ўрната олмаган лапашанг дадангни кечир, болам! Эрлик, эркаклик, оталик ва ҳатто одамийлик ҳуқуқини ҳимоя қилолмаган журъатсиз дадангни гуноҳидан ўт, ўғлим!..”

Қўлдошнинг бу ноласи энди фойдасиз, фожиа содир бўлди, фожиани эса, ҳақиқатан, унинг лапашанглиги ва қуллиги содир этди.

Муаллиф бу ўринда аёлларнинг фаоллиги ва ишбилармонлиги, иззат-нафси ҳақида гапирётгани йўқ, ҳаётдаги, оиладаги лоқайдлик, мансабпарастлик оқибатида келиб чиқадиган қуллик ҳақида гапирмоқда. Чўлпон минг амалпараст ва шуҳратпараст, нодон ва худбин бўлгани билан оналик хисси бор. Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳозирги адабий жараёни чуқур англайдиган ёзувчи сифатида Чўлпонни буткул қора бўёққа чаплаб ташламайди. Аммо унинг нодонлигини аниқ кўрсатган ҳолда асар якунида оналик ҳиссини намойиш этади. У барча оналар сингари ўғлининг ўлимини ҳис қилгач, телбаланиб дод солади.

Саҳна асарини драматург ёзади, уни саҳнада режиссёр, расом, бастакор, чирок усталари ва реквизиторлар жонлантирадilar. Аммо ҳар қандай спектаклнинг жони актёрлардир. Яхши пьесани ўқиш ҳам мумкин, аммо кўргандаги таассурот бошқа. Ана шу ажойиб таассуротни актёрлар берадилар. Ёши 60дан ошган Теша Мўминовнинг айни кучга тўлганлигини шу спектаклда кўриш мумкин.

У Отажон Тошевичнинг образини назаримда драматург ва режиссёр ўйлангандан ҳам зиёдроқ тарзда намойиш эта олган. Бойваччаларга хос сертавозелик ва бунинг замиридаги мактанчоқлик ва такаббурлик, фосиклик Теша Мўминов ижросида ўзининг муқаммал ифодасини топган. Йўлдош ролини ўйнаган Саидкомил Умаров эса персонажнинг энгилтаклигини, айёрлигини, лоқайдлиги ва фосиклигини кўрсатиш учун қутилмаган деталлар топа олган. Масалан, унинг кетма-кет қаҳ-қаҳалари ва бу қаҳ-қаҳанинг қийқирикка айланиши айнан шу персонажга мослигини топа билгани таҳсинга лойиқдир. Малика Иброҳимова (Ойбиби), Нодира Маҳмудова (Чўлпон), Рустам Каримов (Қўлдош), Фатхулла Маъсудов (Эргаш) сингари актёрларнинг ижролари ҳам томошабин ёдида муҳрланиб қолади. Спектакль режиссёри Гулруҳ Нажидова актёрлар ансамблини маҳорат билан уюштира олган ва уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида иш олиб борганлиги сезилиб турибди.

Ҳозирги шароитда режиссёрлар театрнинг имкониятларидан келиб чиқиб ҳам спектакль қўядилар. Натижа ўлароқ асар мазмунига жиддий путур етказиладиган пайтлар ҳам бўлади. Айнан “Сенга бир гап айтаман” пьесасини саҳнага қўйишда шундай жиддий путур етган ўринлар бор. Пьесада муаллиф воқеани ҳаётий деталь билан бошлайди: Эргашнинг хотини Хулкар емакхонада кийимларга дазмол босаётган бўлади. Стол устида нон, чойнак-пиёла ҳам бор, оғзига сув олиб дазмол қилинаётган кийимлар устига пуркаганда ўшалар устига ҳам сув сачрайди. Ана шу муҳим деталь спектаклда йўқ. Муҳимлиги шундаки, муаллиф Хулкарнинг уй-рўзгор ишларига бепарво, нўноқ жувонлигини, фақат эрини рашқ қилиш билан овора эканлигини намойиш этмоқчи. Агар режиссёр томонидан шу деталь олиб ташланмаганда Хулкарнинг образи аниқ кўринар эди, албатта.

Спектаклда Эргашнинг ва Ойсулувнинг баланд қаватдан ўзларини ташлаб ҳалок бўлишлари манзараси тушунарсизроқ бўлиб қолган, унда на Қўлдошнинг ноласи, на Чўлпоннинг дод-фарёди бор. Пьесада эса, муаллиф бу манзарани жуда аниқ кўрсатган.

Бу эътирозлардан қатъий назар, спектакль муваффақиятли чиққан ва узоқ йиллар саҳна юзидан тушмай, томошабинларни ром этади, деган умидимиз бор. Яна шуни таъкидлашни истардикки, мазкур спектакль Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буйруғи билан давлат буюртмаси сифатида саҳнага қўйилган. Севимли театримиз ўзининг ҳаётбахш анъаналарига қайтиб, ана шундай жиддий, мазмундор асарларни саҳнага тез-тез олиб чиқишини тилаб қоламиз.

*Асрор САМАД,
филология фанлари номзоди*





OMONLIKLAR ONASI

*Аввал гиштни қийшиқ кўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.*

Мирзо Бедил

Ривожланиш суръати ва техника мўъжизалари билан оламни ҳайратга солаётган японлардан тараққиётнинг сирини сўраганларида, “Биз, аввало, ёлгонни йўқотдик”, дейишган экан. Ажабо, ёлгонни буткул йўқотса бўладими? Ёки “Умримда сира ёлгон гапирмаганман!” дея ишонч билан айта олувчи инсон бормикан?! Умуман, ёлгон гапирмасдан яшаш мумкинми ёки йўқми, ўзи?

Яшириб нима қилдик, баъзан ишга озгина кечикиб қолсак, берган ваъдамизни ўз вақтида бажара олмасак, беихтиёр жиндек ёлгон гапириб қўйиш билан сувдан курук чиқишга уринамиз. Хўш, шу “беозор ва кичкина” ёлгоннинг натижаси-чи? Зоҳиран қараганда, ишлар яна силлиққина юришиб кетаверади, қалбнинг изтироб чеккани-да деярли сезилмайди. Аммо ёлгоннинг катта-кичиги, ўринли-ўринсиз бормикан?

Динимизда энг оғир саналган гуноҳи кабираларнинг бир эмас, учтаси ёлгон билан боғлиқ экан – “Ёлгон гувоҳлик бериш”, “Ёлгон қасам”, “Алдамчилик, ёлгончилик”.

Аввали ёлгон билан бошланган иш, хаттоки кейинчалик гуркираб ривожланиб кетган тақдирда ҳам, асло хайрли натижа келтирмайди. Ҳолбуки, бугун турфа ёлгон тўлиб-тошиб ётибди. Менимча, энг оғир ёлгонлардан бири – болаларга ёлгон гапиришимиз бўлса керак! Фарзандларимизга “Мени сўрашса йўқ деб айт”, “Мажлисингга боролмайман, дадам касал экан дегин”, деб уқтирамиз. Бу билан ёлгон гапириб, вазиятдан чиқиш мумкин, деб болага “тарбия” бераётганимизни билмаймиз. Эртага ўзимизга шу тахлит ёлгон гапирса, уларни жазоламоқчи бўламиз, жазолаймиз ҳам. Ўйлаб кўрмаймизки, “Қуш уясида кўрганни қилади”. Боланинг онги, руҳияти, қалби топ-тоза бўлади. Бизнинг ёлгонимиз эса бу покликка худди доғ тушгандек хол саналади. Афсуски, буни чуқур англамаймиз, кўпда эътибор ҳам бермаймиз.

Халқимизда “борини ошириб, йўғини яшириб” деган ибора бор. Аслида бу тушунча ижобий маънога эга. Лекин буни эвида қўлламаслик, ҳаддан ошириб юбориш, албатта, тескари натижа беради. “Сўзлар

ва таърифларнинг ҳаёт ҳақиқатига номувофиқлиги буюк хоразмшоҳлар давлатининг инқирозига, Мирзо Улуғбекнинг аччиқ қисматига, Бобурнинг ўз юртидан бадарға бўлишига олиб келди. Халқимизнинг неча бор босқинчилар томонидан истило қилинишига сабаб бўлган. Нотўғри сўзлар ишнинг ижросига халал бера бошлайди... Охир-оқибатда эса субутсизлик, ёлгончилик, алдов, муттаҳамлик, ваъдабозлик ёйилади”, деб ёзади социология фанлари доктори, профессор М. Бекмуродов. Дарҳақиқат, ёлгон – кўзланган мақсадга эришишга тўсқинлик қилади. Жамият тараққиётига жиддий зарар етказди.

“Ёлгончилик инсонни шармисор қилишини билганимдан кейин бирор марта ёлгон гапирмадим”, – деган экан Умар ибн Абдулазиз. Биз-чи, бу ҳақиқатни билганимиздан сўнг, шунга иродамиз етадимиз? Қийин-ов! Ахир, баъзи ёлгонларни “ҳаётий зарурият” деб ҳисобламаймизми? Ўзи ноҳақ бўлса-да, сир бой бермасдан жидду жаҳд қилиб, баҳсларда “ютиб” чиқувчи шоввозларни ҳам кўрганмиз-ку! Бундай ёлгонларга шунчалик ўрганганмизки, унга танбех бериш тугул, жиддий эътибор ҳам қаратмаймиз. Ҳолбуки, лоқайдлик бизни тобора ёлгон тўрига ўраб бораверади...

Ҳар кунимизни шундай саволлар билан якунласак:

Бугун ишимга ёлгон аралашдим-йўқми?

Неча марта ва қандай шароитларда ёлгонга йўл қўйишга тўғри келди?


Ўша ёлгонни ишга умуман аралаштирмаслик имкони бормиди?

Бугунги ёлгонларнинг натижаси нима бўлди? Келгусида-чи? Охиратда-чи?

Икки дунё саодатидан умидвор одам ҳаётидан “ёлгон” деган иллатни буткул ўчирмоғи зарур. Айниқса, буюк келажакни кўзлаган миллат йўлида “ёлгон” деган тўсикка асло ўрин йўқ.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
журналист*

Ziyo maskani



Мактаб маърифат зиёсини таратувчи муқаддас маскандир. Унга эндигина кадам қўйган ўқувчини темирканот полопонга қиёслаймиз. Боланинг оқ коғоздек беғубор хотирасига мактабда олинган илмлар зиёси нур бўлиб киради. Яъни бу маскан илмга чанкок ўқувчини юксак савияли, дунёқараши кенг, фикри теран қилиб тарбиялайди.

Республикамизда ҳар йили таълим сифатини яхшилаш, янги методик услубларни қўллаган ҳолда, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб дарсларни ташкил этиш борасида бир қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Жумладан, фан олимпиадалари ва фан тўғаракларини муқаммал, ноанъанавий услублардан фойдаланган ҳолда олиб бориш, ҳар бир дарс ўқувчилар онгига тез ва тушунарли этиб бориши учун аниқ ва муқаммал дарс услубларидан фойдаланиш сингарилар бунинг ёрқин далилидир.

Қўшработ туманидаги 62-умумтаълим мактаби мустақиллик йилларида илм даргоҳи деган номнинг асл эгасига айланди. Мактабда 40 нафар олий маълумотли фан ўқитувчилари 600 дан зиёд ўқувчиларга таълим беришади. Шунингдек, ўн тўрт нафар ўрта махсус малакага эга тарбиячилар ҳам мактаб хизматида. Таълим тизимини самарали йўлга қўйиш учун мактаб директори Мусо Бобоев бошчилигидаги ўқитувчилар жамоаси тиним билмай ҳаракатдалар. Мамлакатимизнинг олис қишлоқларидан бирида, тоғлар орасида жойлашган мактаб ўқувчилари фан олимпиадалари, турли тадбирлар сабаб тез-тез республикадаги бошқа тенгдошлари билан учрашиб туришади.

Мактабда “Устоз-шогирд” анъанаси йўлга қўйилганлиги ёш устозларнинг дарс бериш кўникмалари ошиши билан бир қаторда бошқа ўқитувчилар ҳам бир-бири билан ўзаро методик билим, тажриба алмашишларига замин яратади. Шунингдек, мактаб ўқувчилари туман, вилоят миқёсидаги турли кўрик-танловларда қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой эгалламоқда. Қувонарлиси, ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида мактабда спортнинг турли йўналишлари: футбол, волейбол, минифутбол, теннис, стол тенниси, баскетбол тўғараклари фаолият олиб бормоқда. Бу эса ўқувчиларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан кучли, етук, салоҳиятли бўлиб етишишларига асос бўлмоқда.

Ўқувчиларнинг нафақат билимли, ақли теран бўлиб етишишларида, балки тарбия бобида ҳам муқаммал бўлишлари учун ушбу даргоҳда “Мактаб – оила – маҳалла” ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Ота-оналар, маҳалла фаоллари ва мактаб жамоаси доимий равишда ўқувчиларнинг тартиб-интизоми, хулқи, билим олишга бўлган эҳтиёжлари каби бир қанча долзарб мавзуларда йиғилишлар ўтказиб, фикрлашиб туришади.


Мактаб – инсонни билимлар сари етакловчи ва комил шахс бўлиб етишишига пойдевор бўлувчи муқаддас маскан. Келажагимиз бўлмиш ёшлар ўзлари учун яратилган бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшувчи, юрт тараққиётига фидойи, баркамол фарзандлар бўлиб етишишида таълим даргоҳларининг ўрни бекиёс.

Комил ЖОНТОЕВ


Шу йилнинг кўклами охирлаётган бир паллада Қўшработ туманидаги 62- умумтаълим мактабида “Гулистон” журнали таҳририяти билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда “Гулистон” журнали ижодий жамоаси мактаб ҳаёти, таълим-тарбия жараёни, ўқувчилар билан яқиндан танишишди. Мактаб жамоаси ва иқтидорли ўқувчиларга журналга бир йиллик бепул обуна сертификати топширилди. Сўзга чиккан таҳририят ходимлари мактаб фаолиятига, педагогларнинг эзгу ишларига бардавомлик тилаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.





ЕНТИЙОТ ВО‘LING, BIOMAYDON!



Маълумки, атрофимизда тирик организмларга, шу жумладан, одам организмга таъсир кўрсатувчи ҳар хил майдонлар мавжуд. Тирик организмларга таъсир кўрсатадиган ёки тирик организмлар пайдо киладиган бундай майдонларга биомайдонлар дейилади.

Биопатоген майдон

Ер остида турли таркиб ва каттикликка эга бўлган қатламлар мавжуд. Бир-бирлари билан туташган ёки бир-бирларидан узилиб қолган бу қатламларнинг устида — ер юзасида кучсиз электромагнит майдон пайдо бўлади. Бу майдон тирик организмларга маълум даражада салбий таъсир кўрсатади ва шу сабабли биопатоген майдон деб аталади.

Одам организмга салбий таъсир кўрсатувчи бундай биопатоген майдонлар турли-туман бўлиб, улар табиий ва сунъий туркумларга бўлинади. Ўзаро фарқли каттиклик ва тузилишга эга бўлган ер ости қатламлари, ер ости сувлари (дарёлари), ер ости бўшлиқлари табиий биопатоген майдон ҳосил килади.

Бундай майдонлардан энг аҳамиятлилари немис олимлари Хартман ва Кюррилар томонидан кашф қилинган ва уларнинг номлари билан аталган майдонлардир. Табиий электромагнит майдон хусусиятини ўрганган бу олимлар уларнинг тузилишидаги маълум қонуниятларни аниқладилар. Турли-туман геофизик жараёнлар (магнит майдонлар, сувларнинг ҳаракатлари, ер ости ёриқлари, ер ости бўшлиқлари, электрик жараёнлар) ер юзи бўйлаб шимолдан-жанубга, шарқдан-ғарбга қараб йўналган “девор”га ўхшаш “йўлак”лар ҳосил килади. Ушбу “девор”ларда электронлар, ионлар ва ҳар хил газлар молекулаларининг радикаллари бошқа жойларга нисбатан кўпроқ тўпланади. Бу “девор”ларнинг бир-бирлари билан кесишишидан эса ўзига хос электромагнит “тўр” ҳосил бўлади.

“Тўр”нинг “тугун”ларида, (яъни “девор”лар бир-бирлари билан кесишган жойларда) “девор”лардагига нисбатан электрон ва ионлар икки баробар кўп бўлади.

“Хартман тўри” бутун ер юзини қоплаган бўлиб, ундаги “девор”ларнинг қалинлиги 20 см.ни ташкил қилиб баландлиги номаълум масофага чўзилган. Баъзи жойларда айрим ҳодисалар, масалан, ер остидаги тектоник ҳаракатлар таъсирида бу “тўр” ўз тузилишини ва фаоллигини ошириб, зарарли таъсирини кучайтиради. Бузилишга сабаб бўлган таъсир ўз кучини йўқотиши билан у яна ўз ҳолига қайтади.

“Тўр”нинг “девор”ларига нисбатан “тугун”лари хавфлироқ ҳисобланади. Чунки, бу ерда нисбатан кучли қувват тўпланади. Агар бу “тугун”лар бирорта бошқа электромагнит майдон билан, масалан, “Кюрри тугуни” билан туташса унинг зарарли таъсири янада кучаяди. “Хартман тўри”дан фарқли равишда “Кюрри тўри”ни ҳосил қилувчи электромагнит “девор”лар бир-бирларидан анча узоқда (5-6 метр узоқликда) жойлашган бўлиб, улар “Хартман тўри” “девор”идан фарқли равишда

шимолдан-шаркка, жанубдан-шаркка йўналган. “Кюрри тўри”нинг “девор”лари бир-бирлари билан кесишиб ҳосил қилган “тугун” “Хартман тўри” “тугун”и устига тушиб қолган жойларда электромагнит майдон (биопатоген майдон) таъсири, айниқса, кучли ва хавfli бўлади.

Биопатоген майдонни қандай аниқлаш мумкин?

Биопатоген майдон таъсирида бўлган одам толиқиш сезади. Бундай майдонда ухлаган одамнинг уйқуси ёмон бўлади. Уйқудан толиқиб уйғонади. Асабийликдан шикоят қилади. Бундай майдонларни ҳайвонлар ва ёш болаларнинг ҳаракатларидан билиб олса бўлади. Биопатоген майдон мавжуд бўлган жойда кучук дам олиш учун ётмайди, ёш бола ўйнамайди. Бундай жойда мушук дам олади. Мушук биопатоген майдон мавжуд бўлган жойда ётишни хуш кўради.

Биопатоген майдоннинг салбий таъсири одамларга қадимдан маълум бўлган. Қадимда уй қурилиши мўлжалланган жойга мушук олиб келганлар ва мушукнинг ҳаракатларидан зарарли жойни тахмин қилганлар. Биопатоген майдон мавжуд бўлган жойга экилган дарахтнинг танасида ғайритабiiй шишлар ва йўғонликлар пайдо бўлади, ертўла ва лаҳимларда ёриқлар пайдо бўлади, йўллар чўқади.

Сунъий биопатоген майдон

Маълумки, электр токи ўтган сим ўз атрофида электромагнит майдон пайдо қилади. Юқори кучланишли ток ер остидан ўтказилса ҳам ер юзасида электромагнит майдон пайдо қилади ва бу майдон инсон организмга салбий таъсир кўрсатади. Сунъий майдон ҳосил қилувчи манбалар ҳозирги замонда жуда хилма-хил бўлиб буларга трансформаторлар, генераторлар, микротўлқинли печ, радиотелефон ва уяли телефонлар, уларнинг станция ва антенналари, трамвай, метро, компьютер, телевизор ва ҳоказолар киради.

Биопатоген майдондан сақланинг


Агар сизда чарчок, уйқусизлик ёки доимий уйқу босиши, ёмон туш кўриш, босинқираш, уйқудан толиқиб туриш, асабийлик, кўрқиш, иштаҳанинг бузилиши, бош оғрик, оёқ-қўлларнинг музлаб юриши, оёқ-қўл мускулларининг тортишиб қолиши каби белгилар пайдо бўлса-ю, шифокорларнинг даво муолажаларидан наф бўлмаса, бунинг сабабини биопатоген майдондан қидиринг ва биопатоген майдон ҳосил қилувчи манбалардан узоқроқ бўлинг.

Шуни унутмангки, етарли даражада чиникқан, фаол турмуш кечирувчи кишиларда физиологик жараёнлар бир маромда кечади ва уларга биопатоген майдонлар салбий таъсир кўрсата олмайди. Бундай организм салбий биомайдон таъсирига дуч келганда ҳам тез қайта тиклана олади.

Қурилишлар олиб борилганда фаол тектоник жараёнлар, ер ости ёриқлари мавжуд бўлган жойлар ҳисобга олинади ва бундай жойлар йўл, очик майдонча, гараж ва бошқалар учун қолдириб кетилади.

Муҳиддин ТИНИБЕКОВ,

Фуқаро муҳофаза институти ўқитувчиси



АМИРОВА Озода Собир қизи

ОНАЖОН

Менинг иқболимда бахтини кўрган,
Менинг ташвишимда тунлари бедор.
Борлигин боримга бағишлаб турган
Бошимда қуёшим – онажоним бор.

Насиҳати билан умрим тузайди,
Ҳар босган изимда дуоси бисёр.
Ҳар кунимни байрам этиб безайди,
Баҳтимга қуёшим – онажоним бор.

ҚИШЛОҒИМ ҚИЗЛАРИ

Ёноғида иқболи кулар,
Офтобдан ранг олган юзлари.
Тонг шамолин уйғотган улар,
Қишлоғимнинг барно қизлари.

Ортларидан баҳор эргашар,
Қирларни тўлдирган кезлари.
Тоғлар гўзаллигин оширар,
Гуллаб кетар ҳатто кузлари.

Парилардан олишган қиёс,
Бахтдан порлаб турар кўзлари.
Эртак эмас, рост, сўзларим рост,
Қишлоғимнинг зебо қизлари.



Oilalar mustahkam bo'lsin

Оила инсонларнинг бахт-икболи, барча фаолиятлари самараси жамланадиган маъводир. Оила – халқнинг, миллатнинг келажаги камол топадиган кўрғон. Миллий кадриятлар, урф-одатларга меҳр оилада шаклланади. Унинг муқаддаслиги сабаби шунда.

Янги оила барпо бўлар экан, ёшларнинг бахти боқий бўлиши учун ширин ташвишлар, югуриб-елишлар бошланади. Фарзандлар тақдирини ўйлаб, ташвишлар тўйдан кейин ҳам давом этади. Келинчакнинг ота-онаси кизларининг янги уйга мослашиб, кудаларининг кўнглини топиб кетишидан хавотирда бўлса, куёв томон қизимиз деб қабул қилганлари – келиннинг дилини оғритиб қўймайлик, уйимизда униб-ўсиб кетсин, деб ҳадикда бўлишади.

Бирок турмуш ҳар бир хонадоннинг ичкарасида ҳар хил кечганидек, келин ва кудалар билан муноса-

батлар ҳам турфа бўлади. Ёшларнинг оилавий муносабатларга юзаки қараши, эрта турмуш қуриш сингари ҳолатлар оилавий низоларни, баъзан ажрашишларни келтириб чиқаради.

Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, жамиятда юз бераётган кўнгилсизликларни бартараф этиш мақсадида, хотин-қизлар кўмитасининг шаҳар бошланғич бўғини раислари ҳамда маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари маслаҳатчилари ҳамкорлигида мактаб, коллеж, маҳалла ҳамда бир қатор ташкилотларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда. Бу, албатта, ўзининг ижобий натижасини бериб, ёшлар онгида маънавий юксалиш ҳосил қилмоқда. Ажрашиш мақсадида ариза берган бир қанча оилалар маҳалла яраштирув комиссиялари, ФХДЁ бўлими томонидан ўрганиб чиқиб

муаммоларга ижобий яқун берилиб, оилалар сақлаб қолинмоқда.

Оилаларнинг ажрашишгача етиб келмаслиги учун низоларнинг сабабларини ўрганиб, уларнинг олдини олиш чораларини кўрилмоқда. Турмуш қуриш арафасида турган ёшларни оилага тайёрлаш борасида бир қанча ишлар қилинаётир. Қизларни тикиш-бичиш, пишириш, ҳамшираликка тайёрлайдиган, йигитларни ҳунарларга ўргатадиган курсларга жалб этиш йўлга қўйилган.

Оилалар тинчлиги учун барча бирдек масъул. Зеро, оилалар мустаҳкамлиги жамият фаровонлигига хизмат қилади.

Малика ШАРИПОВА,
Бекобод шаҳри ФХДЁ бўлими
мудирини вазифасини бажарувчи

SOZ SEHRI



Муסיқа — халқимизнинг ўтмиш ҳаётини ўзида мужассам этган, инсон қалбидан жўшиб чиқадиган, чолғулар бағридан тараладиган сирли олам. Инсон руҳияти камолотининг озиғи ҳисобланмиш муסיқа садоларини тинглаган жон борки, оҳангларга маҳлиё бўлади. Беихтиёр эшитганда уни излайди, ғойибона меҳр кўяди. Бу садо унинг руҳиятини инъикос этувчи тароват касб этади. Бу садо най навоси ёки танбур ноласи, рубоб таронаси ёки дуторнинг сирли тараннуми бўлиши мумкин. Ана шундай мўъжизакор муסיқада чолғу сирли садоларнинг манбаи сифатида хизмат қилади.

Ўзбек халқи танбур, дутор, най, сурнай, ғижжак, чанг, рубоб ва доира сингари муסיқий чолғуларга бой. Уларнинг ҳар бири миллат руҳияти, дунёси, ҳаёти, мил-

лий маънавиятини ўзининг ўхшаши йўқ, бетакрор саси билан тараннум этишга қодир мўъжизавий садоларига эга. Ушбу созлар орасида дутор алоҳида ажралиб туради. Шу боис бўлса керак, дутор азалдан халқимизнинг ижодиёти билан уйғунлашиб, ҳаётининг мазмунига айланган.

Халқимиз дуторда ўз қалб садоларини таратган. Улар орқали хис-туйғулари, кечинмаларини ифода этган. Дуторнинг майин садоси, унинг овозидаги мулойимлик, осойишталик, жозоба ва уйғунлик уйининг тўридан жой олишга асос бўлган.

Дутор илк бор XIII асрда яшаб ижод этган муסיқашунос олим Зайнуллобиддин Ҳусайнийнинг “Қомуси илми амали муסיқий” номли рисоласида зикр этилган. Шундан сўнг унинг доврўғи, ижрочилари ва муסיқий асарлари илмий рисоаларда, бадий ижод намуналарида ўз аксини топиб, қуйланиб келинган. Шу боис, Ўзбекистоннинг ҳар бир воҳасида дутор чолғуси, унинг ижрочилиги билан боғлиқ аъёнаси ва албатта, дурдона муסיқий асарлари мавжуд. Жумладан, Хоразм дутори, туркман дутори, қорақалпоқ дутори, фарғона дутори каби атамаларда ҳудудий хусусиятлар ўзини намоён этиб туради. Худди шу каби дуторнинг воҳалардаги тузилиш шаклларида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Демак, дутор чолғусининг ҳам ўзига хос ривожини, замон зайлига мос ҳолда турланиш мезонлари бор.

Дутор халқ ижрочилик аъёналарида икки услубга

Zamondoshlarimiz

Мусо Мамадазимов. Физика-математика фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори, профессор. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Физика-математика факультетида 48 йилдан буён фаолият олиб боради. Устознинг физика, математика, астрономия фанлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси эътирофга сазовор. Мусо Мамадазимов яратган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий таълим муассасалари учун тайёрлаган дарсликлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Олимнинг ўнлаб илмий рисоалари, илмий-оммабоп тўпламлари, икки юздан ортиқ мақолалари нашр қилинган. 70 ёшни қаршилаётган устознинг фаолиятига бардавомлик тилаймиз.



Qalb sadosi bo‘lib yangra

мос ҳолда ривожланиб келганлигини қайд этиш лозим. Биринчиси, халқ муסיқа амалиётида тарихан аёллар ижрочилигида асосий чолғу ҳисобланган бўлса, иккинчиси, профессионал чолғу ижрочилиги билан боғлиқдир. Фарғона-Тошкент ижрочилик анъаналарида, Хоразм мумтоз муסיқа меросида бунинг яққол кўриш мумкин. Фарғона водийсининг “Қўштор” куйи ёки Хоразмнинг алоҳида дутор мақомлари шаклланиб бунинг ёрқин далилидир. Шу боис бўлса керак, халқимиз орасида дутор ижрочилиги билан донг таратган мохир созандаларнинг номлари тарих зарварақларига битилган.

Дуторнинг профессионал ижрочилик амалиётида ўрни бекиёс. Ушбу жараён чолғунинг жаҳон-муסיқа намуналари ижрочилиги билан характерланади. Айниқса, Шарқ ва Европа композиторларининг асарлари дутор тараннумида янада жозиба ва ўзгача маъно англатади.

Дутор тараққиётининг иккинчи босқичи унинг

профессионал халқ чолғулари оркестри сафида ўз ўрнини топиши билан боғлиқдир. Оркестрга муסיқанинг барча диапозони бўйича дутор овози тараннумининг ўзига хос тусини берувчи чолғулар зарур эди. Ушбу йўлдаги изланишлар натижасида, дуторнинг турли баландликдаги сadosини берадиган дутор прима, дутор альт, дутор бас ва дутор контрабас каби унинг оилавий намуналари яратилди ва оркестр жамоаларида овоз тараннумининг ранг-баранглигини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, уларнинг ҳар бири яқка чолғу сифатида эътибор қозонишга муяссар бўлган. Чолғуларнинг ранг-баранглиги, турлилиги ижро воситаларига бойлигидан нишондир. Дутор халқимизнинг севимли ва дил ноаларини назокатли тараннум этишга қодир бўлган чолғу созларидан бири сифатида ардоқлаб келинади.

Фозилжон САИДОВ

XALQ O'YINLARI — TARBIYA VOSITASI

Халқимиз азал-азалдан бола тарбиясида халқ ўйинларининг, миллий урф-одатларнинг ҳамда миллий маданиятимизнинг тутган ўрнига қатъий эътибор бериб келган. Чунки бу ўйинлар ўйналиш даврида, унинг қоидаларини бажариш, ҳамма шартларига риоя қилиш каби усуллар боланинг соғлом ўсиши, ўзини тутиши, баъзан эса баҳсли вазиятларда тўғри йўлни топишда ўзига хос мактаб вазифини ўтаган.

Халқ ўйинлари Жиззахнинг Фориш, Галлаорол, Бахмал, Зомин, Янгиобод, Зарбдор каби туманлари аҳолиси орасида жуда кенг тарқалган бўлиб, бу ўйинларни болалар кенг ҳовлиларда, адирларда, далаларда ўйнаганлар. Ўйинлар маҳалий шевага таянган ҳолда ҳар хил номланган. Жумладан: Чиллик, лапар, ланка,

бўтасолай, бойланди, бештош, ўрмак-ўрмак, оқсуяк, эшак минди, арқон тортиш, кулоқ чўзма ва ҳоказолардан иборат бўлиб, ҳар бир ўйиннинг ўзига хос қатъий қоидалари ҳамда баъзан қатнашчилар сонига қараб, ўзгарувчан усуллари ҳам бор. Югуриш, куч ишлатиш, эмаклаш, тортишиш болаларни жисмонан чиниқтирса, вақти келганда йиғилган баҳоларни ҳисоблаш, баҳс-мунозара юритиш, ўйин қоидаларига, чегараларига ва тақиқловчи белгиларига амал қилиш, уларнинг ақлий фаолиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Бинобарин, чиллик ўйинидаги ҳаракатлар боланинг кўл ва оёқ пайларига, умуртқасига, бошини юқорига кўтариб югурганда бўйин умуртқаларига ўзига хос юк бериб, уларнинг ривожланишига ва бола

танасида қон айланишига катта ижобий таъсир кўрсатади. Чилликни лакак билан қаттиқ уриш каби ҳаракат ҳамда чилликни ҳавода кузатиш давридаги асабларнинг таранглашиши, қизғониш, қувониш каби ҳисларни уйғотадики, бу боланинг ҳам жисмонан, ҳам маънан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу жойда, агар таъбир жоиз бўлса, лакак билан чилликни қайтариш каби ҳаракатлар европаликларнинг бир қатор ўйинларида ҳам учрайди.

Халқ ўйинларидан энг кўп тарқалганларидан яна бири “ланка” ўйинидир. Ланка сўзи ланг — чўлоқ, ёки оқсоқ тепиш деган маънони билдиради. Бу ўйин икки бола ёки жамоа-жамоа бўлиб ўйнашга мўлжалланган. Ланка думалоқ, япалоқ танга шаклидаги ўртасида

Хор санъати мусиқа маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, у композиторлик ижодкорлиги ва ижрчиликда бирдек ривожланиб боради. Хор жанрлари республика мусиқа санъатида ўзининг салмоқли ўрнини эгаллаган. Ўзбекистон мусикашуносларининг тадқиқотлари туфайли хор санъати ривожига ҳамда хор маданияти тарихи ва назарияси ҳусусида қимматли маълумотларга эгамиз. Булар хор санъати ва ижодиёти ҳақидаги монографиялар, очерклар, илмий мақолалардир. Ижодиётнинг бу қирраси машҳур дирижёр-хормейстерлардан — А. Егоров, М. Семёнов, В. Князатов, Е. Гудкова, В. Кальтман, Э. Мелик-Карамян, А. Ҳақимова, Л. Жумаева, Н. Баҳриддинова, Н. Шарафиева, Е. Нечаев ва Ш. Рўзиев ишларида ўз аксини топган.

Айни соҳага оид бирор илмий мақола ёхуд ўқув қўлланмани тўлақонли тарзда тайёрлаб, нашр этириш учун мусикашунос кўмаги жуда муҳимдир. Бу борадаги кўплаб мусикашунослик ва хор мусикасига бағишланган ўқув қўлланмаларининг таҳрири Ўзбекистон санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Ғафурбековнинг ижодида муҳим ўрин эгаллаган.

У ўзининг кўп йиллик самарали илмий фаолияти давомида мусиқий фольклор ва бастакорлик ижодиётини ёритиш билан бирга профессионал хор санъати тадқиқотчиси сифатида хор маданиятида фольклор масалалари билан ҳам шуғулланди. Унинг бевосита хор маданиятининг муҳим масалалари тадқиқ этилган

мақолалари “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, “Тошкент энциклопедияси”, “Мусиқий Энциклопедик Луғат” ва жамоавий маҳсус тўпламларда, турли матбуот манбаларида нашр юзини кўрган. Олимнинг халқаро анжуман ва конгресслар, айниқса, Осие мусиқа минбари Халқаро анжуманидаги чиқишлари, ўзининг долзарблиги билан тингловчилар томонидан қизғин қарши олинган.

Домланинг мақолаларида хор асарларига оид муаммолар, долзарб масалалар илк бор кўтарилди. Унда Мутал Бурхонов, Икром Акбаров, Собир Бобоев каби атоқли композиторлар томонидан хор ижроси учун қайта ишланган халқ кўшиқларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, олим томонидан ўзбек касбий устозлик мусиқаси шаклланишида муҳим омил саналган мусиқий фольклор масалаларининг хос қирралари ёритилди. Устознинг “Ўзбек касбий мусиқа ижодиётининг фольклор негизлари” номли асарида қайта ишланган фольклор кўшиқларига катта ўрин ажратилган бўлиб, унда акапелла жанрида қайта ишланган асарлар билан бир қаторда мусиқий-саҳнавий жанрлар ҳам илмий тадқиқ этилади.

“Миллий монодиянинг ижодий захиралари ва уларнинг ўзбек мусикасидаги ўзгаришлари” номли монографиянинг “Монодиянинг мобил захиралари Ўзбекистон композиторлари ижодиётида” деб номланган бобида хор ижодининг долзарб муаммолари кўтарилиб, унда Мутал Бурхоновнинг “Алишер Навоийга қасида” асари партитураси намуна сифатида чуқур илмий



иккита ёки тўртта тешиқдан иборат курғошиндан куйилиб, доира шаклида кесиб олинган пўстакка тикилган ўйин куролидир. Уни тешиқнинг коидалари шундай, яъни ланка ярим метрча баландликдан ташланади ва ўнг оёқнинг тўпик қисми билан тешиқ бошланади. Бу ўйиннинг оддий коидаси.

Яна бир усули ланка гоҳ ўнг оёқда, гоҳ чап оёқда алмашилиб тешилади. Баъзан шундай усталари бўладики, ланкани тешиб, елкасидан ошириб, ерга туширмаган ҳолда, яна ҳаракатини давом эттиради. Бу ўйин даврида боланинг барча мускуллари ишга тушади. Оёқ мускуллари

ланкани тешиқ билан биргаликда, гавдани ҳам кўтариб-тушириб, бўш қолган чап оёқ беихтиёр равишда 1-2 см баландликда кўтарилиб тушиб туради. Умуртка эса гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурилиб, гавда қисмини, оёқни, бошни ланка ҳавода учаётган томонга бошқаради. Бу ерда нафақат бутун гавда мускуллари, кўз ҳам беихтиёр равишда жараёни кузатади. Бўтасолай, эшак минди, арқон тортиш каби ўйинлар ҳам болани гавдасини тик тутишга, чакқон ва эпчилликка, жисмоний бақувватликка ўргатади. Демак, ҳалқ ўйинлари боланинг соғлиғига, маънавий дунёсига яхши таъсир қилар экан, биз

ўйинларни чуқур ўрганишимиз, унинг коидаларини ўзимиз яхши билишимиз ҳамда буни боғча тарбияланувиларига, мактаб ўқувчиларига тарғиб қилишимиз жоиз. Бу билан келажак авлодимизнинг соғлом, ақлли, етук, чакқон, зукко бўлиб ўсишига ёрдам берган бўламиз. Зеро, халқимиз ҳатто ўйинни ҳам ўйлаб ўйнаган. Қолаверса, ўйинлар ҳам қадриятларимизнинг узвий бир қисми.

*Раҳматилла САРИМСОҚОВ,
Шоқир НОРҚУЛОВ*

Xor san'ati fidoyisi

таҳлилга тортилади. Ушбу асар партитурасини тадқиқотчи “У бадий ва касбий жиҳатдан рад этиб бўлмас ҳақиқатни, монодик ва кўп овозли ёзувнинг тенгзарбли синтезлашувининг чексиз йўлларини ишончли тарзда исботлаб беради”, – деб таъкидлайди. Шунингдек, асарда ўзбек хор мусикаси ривождаги силжишлар ҳақида ҳам ишончли мушоҳадалар келтирилган. Олимнинг Мустафо Бафоев ва Мирҳалил Маҳмудов каби замонавий композиторлар ижоди хусусидаги илмий кузатувлари ҳам эътиборлидир.

Устоз бир қатор мусика-шуносларнинг дарслиқларига ҳам махсус муҳаррирлик қилди. Тўхтасин Ғафурбеков хор санъати ва хор таълимига бағишлаб яратилган бир қатор ўқув қўлланмаларининг махсус муҳарриридир. Унинг хор адабиёти муҳаррири сифатида муаллиф билан ишлаш услуби асосий тамойилларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- фактологик маълумотларнинг мутлақ аниқлиги;
- бегона адабиётдан фойдаланиш чоғида мазкур манбага ишора этган ҳолда аниқ иқтибос келтириш;
- таржима қилишда ўзбек тили конунлари, маҳаллий ўқувчилар дунёқарашини ҳисобга олиш;

– илмий атамашуносликдан самарали, ўринли фойдаланиш.

Бугунги кунда Тўхтасин Ғафурбеков томонидан киритилган “оғзаки анъанадаги устозона мусика”, “монодик қайта ишлов – моноқайтаишлов”, “монодик ўзликни ифодалаш”, “мақомнавис”, “ички шарқий маданият”, “илкинтонациялаш”, “полишарқона”, “полимонодия”, “фольклорни эстрадалаш” каби атамалар вокал-хор маданиятига ҳам тааллуқли бўлиб, хор мусикаси тадқиқотчилари томонидан, талабалар курс ишларидан то номзодлик тадқиқотларгача бўлган турли жанрдаги ишларда қўлланилади.

Мусикашунослар В. З. Плуңгян ва И. Г. Галушченко Тўхтасин Ғафурбеков ҳақида ёзган монографияда кенгқамровли илмига таъриф бериб, уни соҳанинг комусий олими сифатида таърифлашган. Дарҳақиқат, домла ҳақиқий комусий олим бўлиб, нафақат хор, балки бошқа мусиқий илмларни ҳам мукамал ва теран билган мутахассисдир.

Барно ШОМАҲМУДОВА

Yozga mos libos

Bolalarni qanday kiyintirish kerak?



Болалик фасли

Ёз – чинакамига болалар мавсуми. Чунки ёзни болалар байрами билан бошлаймиз. Болаларнинг завку кувончини кўриб, ўзимиз ҳам болаликка қайтгандек бўламиз. Ва бу сурур бутун ёз бўйи давом этади. Жазирама кунларда болаларни қуёшнинг қайноқ тафтидан химоялаш учун, аввало, тўғри кийинтиришга эътибор бериш керак. Хўш, тўғри кийинтириш қандай амалга оширилади? Бунда қачон, куннинг қайси пайтида қаерга боришга қараб, асосан, пахтали матодан тикилган кийимлар кийдирилади.

Сайрда

Ёзда кичкинтой билан кўчада кўпроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Ҳатто чақалоқ эндигина туғруқхонадан чиққан бўлса-да, у билан кейинги куннинг ўзидаёқ сайр қилишни бошлаш мумкин. Ёз кунларида эрталаб соат саккиздан ўн биргача, тушдан кейин соат тўртдан саккизгача серсоя жойларда болани сайр қилдириш учун қулай пайт. Бунда бола организми табиий равишда “D” витаминини қабул қилади. Очiq ҳавога чикмаган болаларда рахит касаллиги вужудга келиши мумкин. Болага ёшига муносиб енгил қалпоқчалар, устки кийимлар кийдирилади. Пайпоқ ва кўшимча кофта алоҳида олинади. Об-ҳавонинг ўзгаришига қараб, лозим бўлганда бу кийимлар ҳам кийдирилади. Энг муҳими, бола кийими фақат пахтали матодан бўлиши шарт.

Байрамга

Байрам ёки оилавий анъаналар болаларнинг энг сеvimли кунлари. Ота-она ўз ташвиш тадоригида бўлган вақтда бола ҳам ўзининг хонаси имижини ярата бошлайди. Қизалоқлар ўша куннинг маликаси бўлишни исташса, болакайлар нимаси биландир бошқалардан ажралиб туришни хоҳлашади. Шунинг учун фарзандингиз уст-боши бошқа тенгдошиникини айнан такрорламаслиги учун харид қилинган кийимни ўз фантазиянгиз билан безатишингиз, бирор аксессуар кўшишингиз мумкин.

Тўғри кийинтириш

Шунингдек, болани тўғри кийинтириш билан уларда дид шакллантирамиз. Ранглар уйғунлиги, бир-бирига мос кийимлар болаларни рангларни тўғри танлашга, атроф олам билан муносабатга ўргатади. Масалан, яшил тусдаги кийимларни кийдириб, дарахтларга қиёслаш, гул, капалак, кўнғизча, калитчалар расмлари солинган кийимларни кийдириб, уларнинг номларини сўраш сингари. Рухшунослар болаларга оловранг, қора рангдаги, жигарранг кийимларни кийдиришни тавсия қилмайдилар. Оловранг, айникса, ёзнинг иссиқ кунларида ланжлик ва жабдорликка олиб келади. Қора ранг қиздириши билан бирга кайфиятни тушқун қилиб кўяди. Оч ҳаворанг, яшил, пушти, сарик ҳамда асосан, оқ рангли кийимлар боланинг кайфиятини кўтаради. Сарик рангли кийим, албатта, бошқа бирор рангли кийим билан, бўлмаса, рангдор туғмачалар, гулчалар билан безатилган ҳолда кийдирилиши мақсадга мувофиқ.

Болалар модаси

Болалар ҳам катталардан қолишмайдиган даражада модага қизиқишади. Болалар кузатувчан бўлгани боис ўз либосларини ўртоқларининг кийимлари билан солиштиришади. Яққол безакларни, чўнтақлари кўп кийимчаларни, сеvimли мультфильм қаҳрамонлари акс этган кийимларини алоҳида яхши кўришади. Бу уларда ўзига хос модага қизиқиш пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, болалар модасига ота-оналар ва тенгдошлар таъсир кўрсатади. Телевидениенинг турфа кўрсатувлари, хилма-хил болалар ва ёшлар томошалари, мода намоишлари, болалар кийими кўрғазмалари



хам бу таъсирда етакчилик қилади. Албатта, ота-оналар болалар либосини харид қилган вақтларида, ўз дидлари, имконларига кўра иш тутадилар. Бунда боланинг истаги ҳисобга олинмайди. Ахир бола ёпик муҳитда яшамайди-ку. У мактабга қатнайди, дўстлари билан мулоқотда бўлади ва тенгдошларининг либосларини кўради ҳамда ўзининг кийими билан солиштиради. Баъзан у ўз кийимидан қониқади. Баъзи вақтларда эса, унда кийиниш услубини, бичимини ва рангини ўзгартиришга хоҳиш туғилади. Шу сабабли ҳаддан ташқари кўп ранглар ва услубларнинг аралашмаси келиб чиқади. Бу дид ривожланишнинг нормал ҳолати бўлиб, ушбу жараёнга тўсқинлик қилмасе ҳам бўлади.

Шафтоли сўраганда...

Ота-оналарнинг асосий вазифаси боланинг, албатта, шахслик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, ўз-ўзини намён қилиши учун ёрдам беришдир. Рухшунослар бола шафтоли сўраганда олма тутқазиб овора бўлмасликни маслаҳат беришади. Бироқ боланинг фақат ўзи истаганини кийдириб талтайтирмаслик ҳам муҳим. Тўғри кийинишни ўргатиш, бачканаликни чеклаш, сочидан тирноғигача назорат қилиш, албатта, ота-онанинг бурчи. Демак, боланинг кийиниши ҳам тарбияга қиради.

Оёқ кийимлар

Болалар оёқ кийими чармдан ва таги қаттиқ ашёлардан бўлиши керак. Пойабзал оёқни сиқмаслиги, енгил бўлиши муҳим. Резина, каучук, гелли оёқ кийимлар саломатлик учун зарарлидир. Бундай пойабзаллар оёқнинг терлаб, ҳидланишига, замбуруғли касалликлар ва пуфакчали шишларга олиб келади. Оқибатда, оёқдаги зарарли бактериялар қон орқали боланинг қолган аъзоларига ҳам тарқалиб, бошқа касалликларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу боис болаларга табиий чармдан тикилган, саломатлик учун зарарсиз пойабзалларни кийдирган маъқул. Ҳеч бўлмаса, оёқ кийимининг уч ва товон қисми чармдан бўлиши зарур.

Оёқ кийимни тўғри танлаб кийдириш ортопедик касалликларнинг олдини олади. Оёқни терлатадиган, қишда иситмайдиган пойабзаллардан янги бўлса ҳам воз кечиш лозим. Ҳозир исталган турдаги замонавий пойабзалларни топиш муаммо эмас. Бироқ, аввало, оёқ кийимнинг соғлиқ учун зарарсизини танлай билиш лозим. Ота-оналар мутахассисларнинг маслаҳатларини унутмаган ҳолда, ўзлари ва фарзандлари учун энг қулай ҳамда фойдали йўлни танлашса, мақсадга мувофиқ бўлади.

НИГИНА тайёрлади

ФИФА рефери						Салмоқ	Билим манбаи											
	Бразилия футболчиси	Энг юқори натижа	Тонг маъбудаси				Африка давлати		Чехия валютаси				Тошкент вилоят тумани					
			Вақт бирлиги	Рангсиз			Сайёҳ асби											
	Кино мукофоти						Эрондаги шаҳар				Волида	Футбол анжуми						
						Электр асбоб	Нигерия шахри						Хинд гроссмейстери					
	"Уфқ" қаҳрамони	Миллий либос						Хазина	Охир, чегара									
	Кучли ёгин	Наманган тумани	Бурж	Япония валютаси				Немец композитори					Сайроқи қуш					
	Ишқорий металл							Йиртиқ қуш	Қовун нави									
Чолғу			Тутқин						Самолёт маркаси			Қатар пойтахти						
					Бўлак қисм	Француз футболчиси	Механик одам	Либос қисми		Ширинлик тури	Ку рол		Нил ирмоғи					
Германиядаги шаҳар			Кримдаги оромгоҳ							...-ини								
			Пардоз					Газлама										
						Хунарманд	Япон ёзувчиси		Эрка исми	Мали пойтахти								
		Экран санъати ижодкори						Ускунажиҳозлар		Камчилик, кусур		Инглиз адаби						
	Вақт ўлчови	Самолёт	Миллат (Кавказ)	Самотахти			Гўшт	Миллий таом		Вақт ўлчови								
					<p style="text-align: center;"><u>ЧИСТОН</u> Кўрдим бир ширину ажойиб санам, Қизил-яшил кўйлак эгнида кўркам. Юз ҳийла-найрангни ишга солганми, Тор уйга беркиниб олибди қай дам?</p>					Вақтида адо этиш	АҚШдаги шаҳар							
	Касса тури		Авто мой														Богловчи	
Россия авто маркаси	Молия муасасаси	Соз Дарак																Ғалла
														Бегона ўт				
Ҳордиқ			Парранда										Немец шоири					
				Катта, улуг		Кўркам қуш	Қадимий транспорт											
	Тансиқ таом					Спорт соврини							Расмий ташриф					
	Баҳор ойи	Субҳидам				Ҳарбий бўлима	Меҳнат				Қобилият							
			Шарм, ҳаё	Ўзни бағишлаш							Юқори лавозим	Тоқ рақам	Йул бошловчи					

Чистон: Хандон писта.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Baribir qochib ketaman



- Дада, сиз кўзингизни юмиб имзо кўя оласизми?
- Ҳа, кўя оламан.
- Унда кундалигимга кўзингизни юмиб имзо кўйингчи!

География дарсида:

- Болтавой, бизга Панама канали ҳақида гапириб бер-чи!
- Устоз, телевизоримизда бунақа канал кўрсатмайди-да...

Ойиси Тохирдан сўради:

- Буфетда икки бўлак торт бор эди. Ҳозир унинг бир бўлаги қолибди. Буни менга тушунтира оласанми?
- Албатта! Қоронғи эди, шунинг учун иккинчи бўлакни кўрмабман!

- Отабек, мактабда ўқишларинг қалай?
- Ўқитувчимиз мени математикани умуман билмасликда айблади ва кундалигимни олиб аллақандай сонни ёзиб, имзо кўйди...

Содиқ мактабдан келди. Телпаги лойга коришиб ётибди. Ойиси жахлланиб сўради:

- Қани, гапириб бер-чи, нима бўлди?
- Болалар бошимдан телпагимни юлиб олиб, футбол ўйнашди.
- Сен-чи, сен ҳеч нарса қилмадингми?
- Мен дарвозада турдим.

ЎТГАН СОНДАГИ ТОПШИРИҚЛИ АЙЛАНМА СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Асад. Абай. Бахт. Тўти. Тола. Лола. Сада. Бола. Бино. Икки. Икар. Рама. Диод. Илон. "Наво". Куба. Инжу. Нақл. Орол. Наср. Авар. Бута. Жоду. Олма. "Тико". Соат. Ором. Отар. Қадр. Рамз. Киви. Карп. Метр. Тери. Қазӣ. Азот. Изоҳ. Пиёз. Мита. Атир. Пиза. Эгат. Омил. Кимё. Мулк. "Урал". Капа. Кагу. Шоли. Шина. "Лион". Чили. Кади. Факс.

МУАММОНОМА

Ҳикмат: Илм ила кимнинг дили равшан эрур,
У замон ичра саломат тан эрур.


Фаридиддин АТТОР.

Австралия ҳайвонот боғидан кенгуру қочибди. Тутишибди. Қочдимми, демак, девордан сакраб қочган, деган фикрда уч метр баландликка эга деворни беш метр қилишибди. Кенгуру эса яна қочибди. Уни яна тутишибди, деворни эса тўққиз метрга етказишибди. Кенгуру яна қочибди. Уни тутиб, ўн беш метрлик девор қуришибди.

Шунда кўшни қафасдаги туя кенгурудан сўрабди:

- Менга қара, сенинча, улар деворни қанча баландликка етказишади?
- Олтмиш метрларга етар-ов. Балки тунда дарвозани ёпиб кўйишига ўтишар...

- Муштлашувда менга фарқи йўқ, бир киши бўладими, юз киши бўладими?
- Қанақасига?!
- Шунақасига! Барибир қочиб кетаман!



Bir ranglarki, Vatandek go'zal...

Бундан бир неча йиллар аввал Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида бир асарни томоша қилиб турган эдим. Мен билан ёнма-ён турган италиялик хоним бир асар олдида мўъжиза рўй бергандек тўхтаб қолди. Хоним ҳаяжонда, ҳайратини яширолмай, асар муаллифини топиб беришларини сўради. Рассом билан кўришганида, у бу асар қаерда ишланганлигини ва асарни сотиб олиш ниятида эканлигини айтди. Хоним ёшлигида худди шундай манзарани тушида кўрганлигини қайта-қайта таъкидлади. Эски шаҳар тор кўчасининг оқшом чоғидаги манзараси туширилган бу асар ўзбек юртида ишланганлигига ҳеч ишонгиси келмади. Италиянинг кўҳна бир шаҳри чеккасини эслатган бу манзаранинг хоним қалбида уйғотган таассуроти чексиз эди. Умрининг энг гўзал дамларини қайтариб берганлиги учун хоним рассомга қайта-қайта миннатдорчилик билдирди. Фаройиб бир воқеанинг сабабчиси бўлмиш асар муаллифи рассом Рустам Худойбергандов эди.

Рассом асли Хоразмнинг олис Юқори Дўрмон кишлоғидан. У 1946 йилда туғилган. Гарчи ота-онаси кўпроқ мусиқа ва ракс санъатиغا ихлосманд бўлсалар-да, фарзандининг расм чизишига моне бўлишмади.

Рустам мактабни битириб, дарё кемачилиги тизимида ишлади. Амударё бўйлаб Чоржўй портидан то Мўйноққача сузиб, дарёнинг гўзаллигига шайдо бўлди. Иши туфайли кўп шаҳарларни кезди, дўстлар орттирди. Қишнинг изғирин совуғида сув музлаб, уларнинг кемаси дарёда ҳафталаб қолиб кетган пайтлар ҳам бўлди. Ташқи олам билан алоқа бўлмай, фожиали воқеалар гувоҳига айланди. Буларнинг ҳаммаси унинг айрим асарларига у ёки бу тарзда кўчиб кирди.

1965 йил у Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг инженер-педагогика факультетида янги очилган бадий график бўлимига ўқишга кирди. Унга устозлардан Юсуф Елизаров, Малик Набиев, Николай Тен санъат сирларидан сабоқ беришди. Айниқса, Ю.Елизаров сабоқлари яхши эса қоларди, чунки унинг ранг сезиш хусусияти, дарс бериши, тушунтириши бошқача эди. Мавзудаги мақсад ва фикрни яхши, аниқ ифода эта оларди.

1972 йили эса Рустам Харьков шаҳридаги рассомчилик бадий саноат институтига кирди. Курсида Марказий Осиёдан ёлғиз ўзи эди. Шу сабабими, юриш-туриши, дарсу давомати, чизиши ҳамманинг диққат-эътиборида эди. Шунинг учун ҳам бошқалардан кам бўлмасликка, юртдошларини уялтирмасликка интилиб, мактовга сазовор бўлар эди. Профессор А.Шапошников рангшунослик дарсларини кизиқарли ўтарди. Рустам шу фанни катта қизиқиш билан ўқир, деярли ҳамма курс вазифаларини “аъло”га топширарди. Ўқитувчи ҳам унинг ранг кўриш қобилиятини талабалар орасида тез-тез мактаб кўярди. 1976 йили оилавий шароити туфайли учинчи курсда ўқишини Тошкент театр ва рассом-

лик санъати институтига кўчирди. Бу ерда Ўзбекистон халқ рассомлари, академикларидан сабоқ олди.

Чингиз Аҳмаров унинг Хоразмдан эканини билгач, “Сен туғилган жой катта тарихга эга, сен у ҳақда асарлар яратсанг, улуг иш бўлар эди”, деб мавзуларга бир неча бор туртки берди. Ижодкор тарихий мавзуга қўл ураб экан, ўша давр муҳитини яхши ҳис қилади. Хатти-ҳаракатлар табиийлиги, либосларнинг ўша замон кишисига хослигига эътибор қаратади. Шунинг билан бирга, ранглардаги ифодавийликдан ҳам унумли фойдаланади.

“Чиндан-да, буюкларнинг ҳар бир босган қадами, амалга оширган ишларини ҳар қанча таърифласанг, тасвирласанг, оз. Очиғи, мен бутун вужудим билан ўзимни Мустақилликдан қарздор ҳис қиламан. Ана шу Истиклол сабаб, ўзбек рассомлари бутун жаҳонга танилдилар. Она юртимизда юқори малакали рассомлар жуда кўп. Улар кейинги йилларда бутун куч-қувватларини тасвирий санъатни янада баланд поғоналарга кўтариш учун бағишламоқдалар. Бу уларнинг чизаётган асарларида намоён бўлмоқда”, – дейди рассом.

Рассом эртаксимон манзараларнинг чинакам устаси. Унинг “Ёз кунни”, “Хива” манзарасида эртаксимон ҳолат ҳосил қилинган. Ёруғлик ва соя зиддияти, сирли обидалар, олд ўриндаги шакллар ва иккинчи ўлчовдаги тасвир юмшоқлиги манзарада ўзгарувчанлик ҳаракатини таъминлайди. Бундай талкин асарни руҳлантирувчи манзара сифатида намоён қилади. “Хива” ва “Чорминор. Бухоро.” каби асарлари Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб, Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида намоёиш қилинди.

Ижодкор ҳар доим жиддий. У қайси жанрда ишласини, воқеа-ҳодисани санъат нуктаи назаридан баҳолайди. Унинг портретларида дабдаба йўқ, ранг-тус майда деталларигача пухта ўйланганлиги, инсонга бўлган чексиз қизиқиши туфайли томошабинни мафтун этади.

Аслида Рустам Худойбергандов монументалчи рассом, деворий суратлар устаси. Маданият саройлари, ресторан, спорт саройларидаги меҳнаткаш халқнинг оддий турмуш тарзидан ҳикоя қилувчи деворий асарлар унга шуҳрат келтирди. Бу декоратив безаклар бошқалар ижодидан ўзгача услуги билан ажралиб туради.

Рассом кўп кезди, юрт кўрди. Рустам Болтиқ бўйи мамлакатларида, Югославия, Словения, Хорватия, Германия, Туркия, Малайзия, Сингапур, Россия, Миср, Грузия, Озарбойжон, Қирғизистон, Қозғистон каби давлатларнинг йирик шаҳарларида ижодий сафарларда бўлиб, дунёқарашини кенгайтирди, бошқа миллатлар тасвирий санъати намуналари билан яқиндан танишди.

Рассом йигирма йилдики, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга рангшунослик фанини ўқитиб келади. Унинг 2006 йилда “Рангшунослик асослари” ўқув китоби нашрдан чиқди.

Юрагида чўғи бор ҳар қандай ижодкорни юксакликка кўтарадиган, халққа танитадиган, элга азиз қиладиган оддийгина бир йўл бор. Бу изланиш, ҳалол меҳнатдан қочмаслик, эринмасликдан иборат. Ижодкор узоқ тунларни оқартириб, уйқусидан, ҳаловатидан, оромидан кечиб меҳнат қилганида, муттасил янги йўллар, услублар излашдан тинмаганидагина эзгу мақсадга эришади.

Рассом Рустам Худойберганов ўзининг ана шундай фикру ўйларига содиқ бўлганлиги учун ҳам тобора маҳорат чўкқиларига кўтарилиб бормокда. Композитор Рустам Абдуллаев унинг ижодига баҳо бера туриб, "Бир рангларки, Ватандек гўзал", деганида ҳақ эди.

Нодир НОРИМатов



Hamshira portreti




“Yil fasllari”. Vitraj, Konservatoriya, Toshkent

Bahor qo'shig'i



Qish manzarasi

Choshgoh. Xiva





6949



Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомина, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан “Универсиада” мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир

спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилақдошмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг “Универсиада – 2013” спорт ўйинлари иштирокчиларига йўлланган табригидан

